



“ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли меҳмонлар!
Мазкур конференция иштирокчилари!

“Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” халқаро конференциясида иштирок этган Оролни қутқариш халқаро амфармасига аъзо давлатлар делегацияларини, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, таниқли олим ва экспертларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур форум Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири — Орол денгизининг экологик ҳалокати ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли генофонди ва селоматлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни қўриб чиқишга бағишланган.

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодийтини ривожлантириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим ўрин тутар эди. Оролбўйи сув ҳавзаларида йилига 35 минг тоннагача балиқ овланар, Амударё ва Сирдарё дельталаридаги унумдор ерлар, юқори самарали яйлов

ва сув ҳавзалари миллионлаб одамларнинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш билан бандлигини таъминлар эди.

Бироқ минтақадаги йирик дарёларда ўйламасдан улкан гидротехник иншоотлар қурилгани, трансгегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқими нотўғри бошқарилиши энг янги тарихда Ер юзидagi ғоят оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Бир пайтлар дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгига батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Бу эса минтақада мисли қўрилмаган офатга айланиб, Оролбўйида яшашган аҳоли ҳаётига, бу ердаги экотизим ва биохилма-хилликка ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий қўйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрланиш даражаси эса деярли 25 марта ортди. Бу Орол денгизиде илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетакор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика хотин-қизлар қўмитаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловига мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:
— шоиранинг ўзбек тилида “Сайланма” асарларини, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърӣ тўпламларини;
— “Зулфия замондошлари хотирасида” китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

— шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

— Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида “Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти” мавзусида илмий конференция ўтказиш;

— мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хўнара, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

— 2015 йил март ойида Тошкент шаҳридаги “Туркистон” саройида зиёлилар, фаол хотин-қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида шоира хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари қўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 31 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

2014 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини шу йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада оширишни ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишини кучайтиришни, иқтисодийнинг юқори ва барқарор суруятлар билан ўсишини, аҳоли бандлиги таъминлашини назарда тутган Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сисъатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисидаги, шунингдек, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларни қиритиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга ҳамда демократик ислохотларни янада чукўрлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқаришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда.

Ўзбекистонда инвестициявий муҳит ва ишбилармонлик муҳитини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни назар-

да тутган «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш ҳақида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисидаги қонунларни ҳам қўриб чиқиш режалаштирилган.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг ўн олтинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишнинг мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати

«ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК
ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА
ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ»
ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Урганч шаҳрида 28-29 октябрь кунлари «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжумани ўтказишдан қўзланган мақсад жаҳон ҳам-жамияти саъй-ҳаракатларини Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни

амалга оширишга жалб этиш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат.

(Давоми 3-бетда.)



“ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормоқда, жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги янги Оролқум сароси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва захарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳудуддан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Аммо Оролбўйида рўй бераётган фожиа кўламини, бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг дарди ва орзу-армонларини қуруқ рақамлар билан ифода этиб бўлмайди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг Орол фожиясининг кучли таъсири остида қолган минтақалари аҳолиси ҳар кун сув ресурслари етишмаслиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши ва тупроқ таркибининг бузилиши, иқлим ўзгариши, аҳоли, биринчи навбатда, болаларнинг турли касалликларга чалиниши кўпайиб бораётгани бутун Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига олиб келди, сув ресурслари тақчиллиги, мавсумий қуроқчиликнинг кучайиши, қаҳратон кишининг узоқ давом этиши, Помир ва Тянь-Шань тоғлари музликлари эришининг тезлашиши ва минтақа мамлакатларида қишлоқ ҳўжалиги ишлари билан шуғулланиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

Минг афсуски, бугунги кун-

да Орол денгизини тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий захиралар мавжуд бўлган қуйидаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур:

биринчидан — бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланишга қарши курашиш, сув ресурсларининг бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;

иккинчидан — Оролбўйи аҳолисининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш;

учинчидан — аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушқунлик кайфиятининг юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечириши, ўз бизнесини ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имкониятларни яратиб бериш зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшилиасиз;

тўртинчидан — ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини, жумладан, кичик сув ҳавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон томонидан

БМТнинг юксак минбаридан тақлиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»да қайд этилган.

Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожиясига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътибор қаратиш гоят долзарб эканини эътироф этаётганидан далолат беради.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаётгани ҳам бунни тасдиқлайди. Ўтган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган иккита дастурни амалга оширди.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ва Оролбўйи аҳолиси олдида турган кескин муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётган институтлар ва ҳамкор мамлакатларга миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТ агентликлари, Ислам тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа иттифоқи, шунингдек, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия, Франция, Швейцария, Кувейт ва бошқалар бизнинг ана шундай фаол ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 2013 йилдан буён БМТ, Европа иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари қўмағида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича уч юздан

зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастурни амалга оширмоқда. Бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарур.

Айни пайтда биз шуни очик тан олишимиз керакки, бу борада амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларга қарамасдан, ҳали яна қўллаб-ишларни бажариш талаб этилади. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи ҳалокатининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган аҳоли ҳаёти ва фаолиятига етказиб қолган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларини бартараф этиш учун етарлича маблағ ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкор давлатларнинг самарали амалий ёрдамисиз дунё миқёсидаги ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Орол денгизи фожиясининг кенг кўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу ҳудуднинг иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитига таҳдид солаётган қўллаб-қувватларни самарали бартараф этишга қаратилган янги, кенг қамровли ёрдам дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оролбўйи минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича бундай комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, аввало, халқаро ташкилотлар — БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро экология ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутишни керак. Бу мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишга нафақат халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ресурслари, балки бизга дўст ва ҳамкор мамлакатлар имкониятларини ҳам жалб этишга кўмак беради.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо бўлган деярли барча мамлакатлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби сувни тежаш, Оролбўйини қайта тик-

лаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сув ресурсларини интеграциялашган, ҳолда бошқариш принциплари, сувни тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа қўллаб-қувватлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, турар-жой, ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари, врачлик пунктлари барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдирдан таъшишга тушаётган давлатлар, БМТ тузилмалари, халқаро молия ва экология ташкилотларининг аниқ мақсадли, кўп қиррали ва тизимли ўзаро ҳамкорлиги Оролбўйи минтақасининг энг кескин муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини чуқур тушуниб, Оролбўйи экотизимини қутқариш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссангиз учун сизларнинг барчангизга самими миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Конференция иши самарали бўлишини, унинг барча иштирокчиларига эса сўхат-саломатлик, олижаноб фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Оролни қутқариш халқаро
жамғармаси раиси

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ



Урганч шаҳрида 28—29 октябрь кунлари ўтган “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари ЎзА махсус мухбирига ўз таассуротларини баён қилди.

Бамбанг ПРИАДЕ, Индонезия ижтимоий ишлар вазирлиги Сув ресурслари ривожланишини тадқиқ этиш институти илмий ходими:

— Конференция сайёрамизнинг долзарб муаммоларидан бирига бағишлангани, юксак савияда ташкил этилгани билан барчада катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатида билдирилган факт ва таҳлиллар, бу ердаги экологик офат таъсирини камайтириш

бўйича илгари сурилган амалий таклифлар биз, мутахассислар учун гоёта фойдали бўлди.

Конференция доирасида Ўзбекистонда Орол муаммоси асоратларини енгиллаштириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, чўлланишнинг олдини олиш, кўкаламзорлаштириш йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Бу саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшиш, илмий, молиявий ва лойиҳавий кўмак кўрсатиш барчамизнинг инсонийлик бурчимизга айланиши зарур, деб ўйлайман.

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Унда БМТ, ШХТ, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ, Ерости сув ресурсларини баҳолаш халқаро маркази, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ОПЕК каби 24 нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари, Австрия, Венгрия, Германия, Испания, Хитой, Латвия, Малайзия, АҚШ, Франция, Швейцария, Жанубий Корея, Япония сингари 26 давлатдан экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳаси олим ва экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислон Каримовнинг халқаро конференцияда иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбасари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўз видеомурожаатида дунёдаги кенг қўламли антропоген ҳалокатлардан бири деб эътибор этилган ва миллионлаб аҳоли ҳамда атроф-муҳитга катта зарар етказётган Орол бўйи минтақасидаги экологик бўҳрон муаммолари муҳофизатига бағишланган ушбу халқаро конференцияни ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

Иштирокчиларга Орол денгизи ҳавзасида юзага келган мураккаб вазият билан боғлиқ муаммолар ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокованинг анжуман қатнашчиларига йўлаган табригини ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбасари, Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги илм-фан бўйича

минтақавий ваколатхонаси директори Хуберт Гизен ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котибининг ўринбасари Кристиан Фрис Бах, БМТ Тараққиёт дастури администраторининг ўринбасари Ойша Жаҳон Султоногу, ЭСКАТО ижрочи котиби ўринбасари Шунъичи Мурата, Осиё тараққиёт банкининг атроф-муҳит, табиий ресурслар ва қишлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича департаменти бошлиғи Акмал Сиддик, Ислон тараққиёт банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Хишам Маъруф ва бошқалар Орол инқирози ўзининг экологик-иқлим, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатлари бўйича Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишига, ушбу ҳудуд аҳолисининг саломатлиги, генофонди ва келажагига бевосита хавф солаётганини таъкидлади. Экологик бўҳрон чегараси кенгайиб бораётган бир шароитда Орол муаммосини ҳал этишга жаҳон ҳамжамияти эътибори жалб этилмаса, янада кенг ҳалокатли тус олиши мумкин.

Конференцияда Орол денгизи қуришининг асосий сабабларидан бири собиқ иттифоқ даврида табиий ресурслардан ҳўжасизларча, ўйла-масдан фойдаланиш оқибати экани қайд этилди.

Орол денгизининг Фарбдан Шарққа эслаган кучли ҳаво оқими йўлида жойлашгани ва бу аэрозолларнинг юқори атмосфера қатламларига кўтарилишига сабаб бўлаётгани атроф-муҳит инфлосланиши оқибатларини янада кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов юксак минбарларда минтақа доирасидан алақачон чиқиб улгурган Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш бўйича самарали чоралар кўриш муҳимлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Ху-

сусан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу масалани илк бор 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида кўтариб чиққан ва жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи муаммосига қаратган эди. Бундан ташқари, Президентимиз 2000 йил 8 сентябрь куни БМТнинг Мингйиллик саммитида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгашини ташкил қилиш ташаббусини илгари сурди.

Оролбўйи минтақасидаги экологик аҳволни яхшилаш, экологик бўҳрон оқибатларини юмшатишда мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутаети. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатни муҳофиза қилиш самардорлигини оширишга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу соҳаларда асосий халқаро ҳўжатлар, чунончи, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўللари ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишга оид конвенцияга қўшилди. Сув ресурслари тақчиллиги ва чўлланиш муаммоларини ҳал этиш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва еририлишига қарши курашиш, аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш, минтақада тобора кучайиб бораётган экологик ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсири билан боғлиқ касалликларни даволаш учун зарур инфратузилмни шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламли лойиҳалар ҳаётга таътиқ этилмоқда.

Мисол учун, «Амударё дельтасида кичик кўллар бар-

по этиш» лойиҳаси дастлабки босқичининг амалга оширилиши бешта сув чиқариш иншооти, қирғоқни ҳимоя қиладиган 45 километрлик дамбалар қуриш, умумий майдони 70 минг гектар ва 810 миллион куб метр сифмга эга бошқариладиган муҳандислик сув ҳавзалари бунёд этиш имконини берди. Сўнгги 15 йилда Амударё дельтасидаги 180 минг гектар майдонга сув чиқарилди ва кичик кўллар барпо этилди. Истиқболда ушбу кўллар умумий сув юзаси майдонини 230 минг гектаргача кенгайтириш мўлжалланган.

Орол инқирози таъсир кўрсатган ҳудудларда 740 минг гектар, денгизнинг қуриган тубида 310 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. 1997—2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида замонавий амбулатория-поликлиника муассасалари фойдаланишга топширилди, 5,8 минг ўринга мўлжалланган тиббиёт муассасалари қурилди ва реконструкция қилинди, 840 қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. Қўрилган чоралар самарасида Қорақалпоғистон Республикасида нуқсон билан тузилганлар сони 1997 йилга нисбатан 3,1 баробар, оналар ўлими 2, чақалоқлар ўлими эса 2,4 марта қисқарди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда БМТ қўмағида ўтказилган «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзусидаги халқаро конференция Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилашда муҳим роль ўйнади. Мазкур конференцияда иш-лаб чиқилган Ҳаракат режаси 2011—2015 йилларда

Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича учинчи дастурнинг асосини ташкил қилди.

— Жаҳон банки ушбу дастурни амалга оширишда иштирок этмоқда, — деди Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Сарош Кумар Жа. — Дастур Орол денгизи ҳавзасида экология ва сув ҳўжалиги билан боғлиқ аҳволни яхшилаш, барқарор ривожланишга эришишга қаратилган. Жаҳон банки томонидан миллий ва минтақавий лойиҳаларни ҳаётга таътиқ этишга йўналтирилган инвестициялар умумий миқдори бутун 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мазкур халқаро конференция ҳамкорлигининг янги йўналишларини белгилаш ва минтақадаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда барча манфаатдор томонлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Анжуманнинг секция мажлисларида экологик оғир ҳудудларда яшаётган аҳолининг генофондини сақлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш, Оролбўйи аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур иқтисодий рағбат ва механизмларни жалб этиш, минтақада экотизм ва биохилма-хилликни қайта тиклаш масалалари муҳофизат этилди.

Иштирокчилар Урганч шаҳрида ушбу конференция юксак савияда ташкил этилганини юқори баҳолади ва тадбир Орол денгизи қуришининг оқибатларига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни фойдаллаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Халқаро конференциянинг якуний ҳўжжати қабул қилинди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА махсус мухбири

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Дэрил ФИЛДС, Жаҳон банкининг сув ресурслари бўйича катта мутахассиси:

— Президент Ислон Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўлаган мурожаатида таъкидланганидек, дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгига батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди.

Экологик офат қўлаб тиббий-ижтимоий муаммоларни юзага келтирмоқда. Шулардан тўри ҳўлока чиқариб, минтақада ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарур, деб ўйлайман. Ушбу халқаро анжуман бу соҳада экологик хавфсиз лойиҳаларни ишлаб чиқиш, халқаро мулоқотни янада фойдаллаштиришда муҳим омил бўлди.

So'z — xalqaro konferensiya ishtirokchilariga

Станислас ЭНРИОН, Франция экология, барқарор ривожланиш ва энергетика вазирлиги вакили:

— Конференцияда дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотларидан вакиллар, қўлаб мамлакатлардан эксперт ва мутахассислар иштирок этгани Орол муаммосини бартараф этишда халқаро ҳамкорлик фаол йўлга қўйилганидан далолатдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг форум қатнашчиларига видеомурожаатида қўлгина фойдали фикрлар билдирилди.

Анжуманда экологик ҳалокат оқибатларини енгилаштириш учун соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, экологик оғир ҳудудларда яшаётган

аҳолининг генофондини сақлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш, маҳаллий аҳолининг ичимлик суви ва сўғориш манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, табиий муҳитни ҳимоя қилиш ва Оролбўйида биохилма-хилликни қайта тиклаш каби қатор масалалар атрофлича кўриб чиқилди. Ишлаб чиқилган амалий тақлифлар ва тавсиялар Орол фожияси оқибатларини ҳар томонлама енгилаштиришга хизмат қиладди.

Томас ПАНЕЛЛА, Осиё тараққиёт банки мутахассиси:

— Конференция доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги туман ва шаҳарларда

бўлди. Урганч шаҳрининг гўзаллиги ва ривожини менда катта таассурот қолдирди. Улкан чўл ўртасида, қийин экологик шароитда шундай ободлик ва фаровонликка эришган халқнингизнинг бунёдкорлик салоҳиятига, меҳнатсеварлигига қўйил қолди.

Бу Президент Ислон Каримов раҳнамолигида ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасидир. Осиё тараққиёт банки Ўзбекистоннинг Оролбўйидаги экотизмни тиклаш, аҳоли турмуш тарзини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, бу борада қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Конференцияда илгари сурилган ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга таътиқ қилишда фаол иштирок этиш ниятидамыз.

ЎЗА махсус мухбири
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2014 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, таркибий туб ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилишга доир қабул қилинган стратегияни давом эттириш жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосий кўрсаткичларининг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш имконини берди.

I. Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш ва бунинг учун мавжуд захира ва имкониятларни сафарбар этиш

Жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиҳдий муаммоларга қарамастан, жорий йил аввалида Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш бўйича қабул қилинган стратегияни изчил ва аниқ мақсадли амалга ошириш учун мавжуд захираларни жалб этишга доир қўрилган чора-тадбирлар яли ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга ўсиши, макроиқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаш имконини берди. Бу давлат бюджетининг профицити (яли ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз) ва ташқи савдо айланмасининг 900 миллион доллардан зиёд ижобий сальдосида ўзифодасини топмоқда.

Технологик жараёнларни модернизация қилиш ва янгилаш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга реал сектор корхоналарини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоиз, истеъмол товарлари 11,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,8, чакана савдо айланмаси 14,2, пуллик хизмат кўрсатиш 11,1 ва жами хизматлар ҳажми 14,7 фоизга ошди.

Муҳим объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шу мақсадда хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган фаол инвестиция сибсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 10,7 фоиз ва пудрат қурилиш ишларининг 18,9 фоизга ўсишини таъминлади.

Банк тизимининг ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тижорат банклари умумий капитали 24,7 фоиз, банкларнинг умумий активлари 29,2, жалб қилинган депозитларнинг 30,4 фоизга кўпайишини таъминлади. Натижада мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,9 фоизни ташкил қилди ва бу халқаро стандартларга нисбатан уч баробар юқоридир.

қилинди. Бунинг натижасида 119 корхона зарар кўришдан чиқарилди ва улар 139,2 миллиард сўм даромад олди, 2300 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди ва қайта тикланди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарда жами қиймати 4,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, шунингдек, қиймати 192,6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини оптималлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида майдони 539,5 минг квадрат метрдан иборат бўш турган 330 объект ва 216 гектардан зиёд фойдаланилмаётган ер устакларини янги мулкдорларга сотиш ишлари бошланди.

Тармоқлар рақобатбардошлигини юксалтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён йирик корхоналарда қиймати 184,5 миллион долларга тенг 2770 маънавий ва жисмоний эскирган ускуна алмаштирилди. Ишлаб чиқариш жараёнини оқилона ташкил этиш, корхоналарни технологик янгилаш, хомашё ва материаллар сарфини камайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг тўққиз ойида йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи ўртача 9,2 фоизга камайтирилди, саноатда иш ўнмдорлиги 6,6 фоизга оширилди.

Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурлари, шунингдек, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг ҳаёта татбиқ этилиш таркибий туб ўзгаришлар жараёни ва саноат тармоқларини диверсификация қилишни янада чуқурлаштиришга ёрдам берди.

2014 йилнинг тўққиз ойида машина-созлик ва металл қайта ишлаш (2013 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 114,2 фоиз), қурилиш материаллари саноати (113 фоиз), енгил саноат (115,9 фоиз, жумладан, трикотаж – 118 фоиз, тикуччилик – 126,1 фоиз, пахта қайта ишлаш – 125,4 фоиз), фармацевтика (113,9 фоиз), қора металлургия (113,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (109,7 фоиз) каби саноат тармоқларида жадал ривожланиш таъминланди. Саноат ишлаб чиқариш умумий таркибида ушбу тармоқлар ўлчиш ўлчанган йилнинг 9 ойидаги 54,5 фоиздан ҳисобот даври якунларига кўра 59 фоизга ўсди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтириш рағбатлантириш мақсадида жорий йил бошидан буён технологик ускуналар харид қилиш ва айланма капитални тўлдирish учун ишлаб чиқарувчи корхоналарга банклар томонидан 2,6 триллион сўм (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 124,7 фоиз), жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 1,2 триллион сўм (122,2 фоиз) ва ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 1,4 триллион сўм (127 фоиз) ҳажмида кредитлар ажратилди. Натижада шу йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарлари иш-

лаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг январь—сентябрь ойларида 443 лойиҳа бўйича қиймати ўртача 2 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 870 миллион доллардан ошди. Маҳаллийлаштирилган 525 турдаги янги маҳсулот, хусусан, электр духовка, газ ва электр плиталар, кондиционерлар, электр двигателар ва насослар, розеткалар учун штепсел, пайвандлаш симлари, автомашиналар учун антифриз, спорт майдонлари учун сунъий қоплама, резина асосли ковролан, янги турдаги болалар ўйинчоқлари, спорт анжонлари ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Таркибий туб ўзгариш жараёнларини чуқурлаштириш, саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишга доир чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида юк автомобиллари, автомобиль двигателлари, автобуслар, култиваторлар, музлатгич ва совутигичлар, тикуччилик, трикотаж буюмлари ва пайпоқ, пойабзал, чармдан тайёрланган галантерея буюмлари ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли равишда кўпайди.

II. Саноатда юқори технологияли ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестиция жараёнини ривожлантириш ва таъминлаштириш

Инвестициявий муҳитни янада таъминлаштириш чора-тадбирлари билан биргаликда, юқори технологияли ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сибсатининг амалга оширилиши иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришиш имконини берди. Жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, уларнинг ҳажми 10 миллиард доллардан ошди.

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 2,1 миллиард доллардан ортиғи ёки 20,7 фоизини чет эл инвестиция ва кредитлари ташкил қилди. Уларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 фоиз, жумладан, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари 1,7 миллиард долларга ёки 22,3 фоиз ўсди.

Ўтган даврда умумий қиймати 875,7 миллион долларлик 105 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Жумладан, «Жиззах вилоятида портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Фосфорит хомашёсини бойитиш бўйича мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш», «Damas» ва «Orlando» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Ангрен» маҳсус индустриал зонаси ҳудудида янги замонавий шакар заводини қуриш ва ташкил этиш», «Сино» акциядорлик жамиятида музлатгич ва кондиционерлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш», «Leading Force Company» қўшма корхонасида майдалаш-саралаш ва асфальт қорш комплексини ташкил этиш», «Жиззах» маҳсус индустриал зонасида сантехника буюмлари ва кўйш энергияси ёрдамида сув иситиш тизимлари (коллекторлар) ишлаб чиқариш ташкил этиш каби ва бошқа лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Умуман жорий йил бошидан буён ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 4271 лойиҳа ҳаёта татбиқ этилди. Жумладан, қурилиш материаллари саноатида (1333 лойиҳа), озиқ-овқат (1152), енгил ва тўқимачилик (939), мебель ва қўғоз саноатида (376), кимё ва нефть-кимё саноатида (310) ва бошқа тармоқларда 2715 янги ишлаб чиқариш

объекти ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан қиймати 822,6 миллиард сўмлик кредит ажратилди, лойиҳа ташаббускорларининг 1190,6 миллиард сўмлик ўз маблағлари жалб этилди, 38,3 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ва 60 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

V—VII Республика инновация ярмаркаларида тузилган шартномалар доирасида шу йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотларининг тажриба намуналари ишлаб чиқарилди, 11 шартнома бўйича янги технологиялар ишлаб чиқаришга жорий қилинди, 15 лойиҳа асосида мамлакатимиз илмий ва таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган илмий маҳсулотлар етказиб берилди, 9 лойиҳа бўйича ташкилотларга илмий-техник хизмат кўрсатилди. 6 турдаги инновация маҳсулотлари, жумладан, ўтга чидамли енгил буюмлар ва юқори ҳароратли ўтга чидамли материаллар, шунингдек, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

III. Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш

Шу йилнинг ўтган даврида мамлакатимизда қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратиш, қўнуччилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун ортиқча бюрократик ва маъмурий тартиб-таомилларга чек қўйишга доир ишлар давом эттирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада таъминлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ 4609-фармони ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш сонини чеклаш, кичик бизнес субъектларига қўшимча солиқ преференциялари бериш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш механизмларини соддалаштириш, шунингдек, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган қўнуччилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Кичик ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ўтган даврда кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 60,5 миллиард сўмлик 224 давлат тенги (жумладан, 151 объект нолга таъин қийматда) сотилди, фойдаланилмаётган 23 мингта давлат мулки объекти ижарага берилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 7,3 триллион сўм миқдорда кредит ва микрокредитлар (жумладан, 1,5 триллион сўмлик микрокредит) берилди. Бу 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Халқаро молия институтларининг кичик тадбиркорлиқни ривожлантириш учун тақдим этилган 129 миллион долларлик (1,2 баробар) кредит линиялари ўзлаштирилди.

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг тўққиз ойида 20,2 мингта янги кичик бизнес субъектини (фермер ва деҳқон хўжалиқлари ҳисобга олинмаган ҳолда) ташкил этиш имконини берди. Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат ва қурилиш тармоқларида (умумий миқдорнинг 38,6 фоизи) ташкил қилинди. Натижада фаолият кўрсатаятган кичик бизнес корхоналари умумий сони 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 фоиз кўпайди.

2014 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2013 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Яли ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари	108,4
Истеъмол товарлари	111,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	106,8
Қурилиш ишлари	118,9
Чакана савдо айланмаси	114,2
Пуллик хизматлар	111,1
Жами хизматлар	114,7

Шу йилнинг тўққиз ойида 141 корхонада молиявий соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш учун «Йўл хариталари» доирасида қиймати 558 миллиард сўм миқдордаги инвестициялар, жумладан, банкларнинг 360,6 миллиард сўмлик кредитлари жалб

лаб чиқариш ҳажми 11,3 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 7,9 фоиз ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,6 фоиз ошди.

2014—2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бўтловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллий-

2014-yil 1-noyabr, № 88 (8737)

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг товар бозорларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир қўрилган чора-тадбирлар туфайли 2014 йилнинг тўққиз ойида кичик тадбиркорлик субъектлари биржа савдолари орқали 1,2 триллион сўмлик (ўсиш 1,9 баробар) ўз маҳсулотларини сотди, қиймати 3 триллион сўмдан зиёд (ўсиш 1,7 баробар) маҳсулот сотиб олди. Электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳажми шу йилнинг тўққиз ойида 333,7 миллиард сўм ёки давлат харидлари умумий ҳажмининг 98,3 фоизини ташкил этди. Давлат харидлари бўйича электрон савдоларнинг жорий этилиши ҳисобига ушбу мақсадлар учун қўзда тутилган 82,2 миллиард сўмлик ёки 19,5 фоиз бюджет маблағлари иқтисод қилинди.

Статистик, солиқ, молиявий ва бошқа ҳисоботлари топиришининг электрон тизимини босқичма-босқич жорий этиш доирасида айна пайтда тадбиркорлик субъектларининг 99 фоизи солиқ ҳисоботларини, 94,7 фоизи статистика ҳисоботларини электрон шаклда топиришмоқда. Бундан ташқари, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг контактиз электрон шакллари ривожлантириш натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида 280 мингдан зиёд боғжона ҳоқ декларациялари (умумий миқдорнинг 98,2 фоизи) электрон шаклда расмийлаштирилди. Олий ҳўжалиқ суди томонидан суд иши ишторқчиларининг 30 мингдан ортиқ электрон ариза ва мурожаатлари қўриб чиқилди, уларга 42 мингдан зиёд ҳабарнома электрон шаклда тақдим этилди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар самарасида 2014 йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуғи 52,9 фоиз (2013 йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 51,2 фоиз бўлган), саноатда 31,1 фоиз (27,9 фоиз), инвестицияларда 33,2 фоиз (32,2 фоиз), пуллик хизмат кўрсатишда 47 фоиз (43,1 фоиз), бандлик соҳасида 76,5 фоиз (76 фоиз) ўсди.

IV. Ишлаб қиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологияни янгилаш ҳамда жаҳон бозорига чиқилишнинг муҳим омил бўлган тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш

Жаҳонда асосий экспорт позициялари учун нарх конъюнктурасининг нуқдалайлиги ва мамлакатимизнинг савдо шериклари бўлган қатор давлатлардан истеъмол талаби пасайиб бораётган шaroитда ташқи бозорларда экспортчи корхоналаримиз ўринларини мустақамлаш мақсадида ўтган даврда маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга доир чора-тадбирлар билан бир қаторда, экспорт қилинаётган миллий маҳсулотларимиз ҳамда ва номенклатурасини кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилди.

Жумладан, юк автомобиллари, автобуслар, мис асосли қотишмалар, полиэтилен, ип-калавва, трикотаж полотно, аммиакли селитра, кальциацияланган сода, сўпрефос ва бошқа товарларнинг экспортга етакчи бериш ҳажми ошди. Бундан ташқари, жорий йил бошидан бўён 322 янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилиб, улар қиймати 332 миллион долларлик маҳсулотни экспортга етакчи берди, 172,2 миллион долларлик 143 турдаги янги маҳсулот, жумладан, «Cobalt» ва «Gentra» русумидаги автомобиллар, қопиллаш-пайвандалаш таркибий қисмлари, радиаторлар, автомобиль ўриндиқларини шамоллатиш тизимини ва ташқи бозорда харидорлиқ бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш ўзлаштирилди. Шу даврда мамлакатимиз корхоналари илк бор ўз маҳсулотларини 51 давлатга экспортга етакчи беришни йўлга қўйди.

2012–2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дastури ижроси доирасида ўтган даврда сервис инфратузилмасини ташкил этиш ва ри-

вожлантириш учун «Микрокредитбанк»нинг 33 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи йўналтирилди. Умуман, жорий йил бошидан бўён сервис хизматларини кўрсатиш бўйича 10 мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилди.

Масалан, 2013–2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дastурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида замонавий технология асосида кенг миқёсда фойдаланиш учун 650 километрдан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд этилди ва захира қилиб қўйилди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаб чиқилган 75 мингдан зиёд таълим-ахборот ресурслари Ziyonet электрон портали кутубхонасида жойлаштирилди. Рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш доирасида аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 45 фоизга етказилди.

Мобиль алоқа ва интернет хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сонининг қўпайиши, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизмат турларининг жорий этилиши ва ривожлантирилиши, шунингдек, АТСни рақамлаштириш даражасининг ошгани натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 23,7 фоиз, компьютерда дastурлаш хизматлари 20,6 фоиз ўсди.

Микро ва истеъмол кредитларини ривожлантириш, замонавий халқаро стандарт ва технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлов тизимини тақомиллаштириш, шунингдек, молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар молия хизматлари ҳажмининг 33,6 фоиз ошириш имконини берди.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5,1 мингга яқин янги лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тегишли хизматларнинг 16,6 фоиз қўпайишига ёрдам берди. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 3,1 мингдан зиёд лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида маиший хизматлар ҳажми 20 фоизга ошди.

Умуман, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг замонавий хизмат турларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир қўрилган чора-тадбирлар туфайли мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуғи 50,1 фоизга етди (2013 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 49,9 фоиз бўлган).

V. Қишлоқ ҳўжалигини техник ва технологик янгилаш

2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелiorатив хoлатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш давлат дastурини амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан бўён Суғориладиган ерларнинг мелiorатив хoлатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 81,4 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Натижада узунлиги 739,8 километр коллектор, вертикал дренажи 107 кудук, 1269 кузатув кудуғи ва 75,2 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди, 9,5 минг километр ҳўжалиқлараро ва ҳўжалиқ ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш — қайта тиклаш ишлари бажарилди.

Шу йилнинг тўққиз ойида асосий ва оралик экин майдонларида 255,8 минг гектар ерга сабзавот, 81,5 минг гектар ерга картошка ва 57,1 минг гектар майдонга полиз экинлари экилди, 2,4 минг гектар майдонда янги боғлар, 5,6 минг гектар ерда интенсив боғлар ва 8,9 минг гектар ерда узумзорлар барпо этилди. 4,1 минг гектардаги боғ ва 6,1 минг гектарлик узумзорлар реконструкция қилинди. 410 гектар майдонда 750 янги иссиқхона ташкил этилди.

Жорий йилда сув кам бўлганига қарамадан, деҳқонларимизнинг омилиқорлиги ва фидокорона меҳнати самарасида суғориш сувларидан оқилона фойдаланиш таъминлашга доир қўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган даврда қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Хусусан, жорий

йилнинг тўққиз ойида 6,7 миллион тонна сабзавот (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 111,4 фоиз), 1,9 миллион тонна картошка (111 фоиз), 1,2 миллион тонна полиз маҳсулотлари (109,3 фоиз), 1,7 миллион тонна мева (111,5 фоиз) ва 991,6 минг тонна узум (109,3 фоиз) етиштирилди.

Мамлакатимиз аҳолисини 2014–2015 йиллар куз-қиш даврида мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тайёрлов корхоналари ва ижтимоий соҳа ташкилотларининг омбор ҳамда музлатиш хоналарида 74,2 минг тонна миқдорда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, 11,3 минг тонна картошка, 24,3 минг тонна пиез, 2,8 минг тонна сабзи, 1,23 минг тонна қарам, 24 минг тонна мева, 4,3 минг тонна полиз маҳсулотлари, 4,2 минг тонна гуруч ва бошқа маҳсулотлар қамланди.

Жорий йил бошидан бўён қорвачилиқни ривожлантириш бўйича 53 минг бош қорамолга мўлжалланган 2 мингдан зиёд лойиҳа, паррандачилиқни ривожлантириш бўйича 10,3 миллион паррандага мўлжалланган 788 лойиҳа, балиқ етиштириш бўйича 747 лойиҳа, шунингдек, асаларичилиқ ҳўжалиқларини ривожлантириш бўйича 828 лойиҳа амалга оширилди. Тижорат банклари ушбу лойиҳалар учун қорвачилиқни ривожлантиришга 185 миллиард сўм, паррандачилик ҳўжалиқлари ташкил этиш учун 85,5 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларичилиқ ҳўжалиқларини ривожлантириш учун 15,2 миллиард сўм ажратди.

Натижада жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича қорамоллар умумий сони 4,1 фоизга қўпайиб, 10,9 миллион бошга етди. Гўшт етиштириш ҳажми 6,8 фоиз, сўт 7 фоиз, тухум 12,3 фоизга ошди.

VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой қуриш ва аҳоли яшаш масканларини ободонлаштириш

2014 йилда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши дastурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 1,5 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Янги қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 10830 яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ жойларда бунёд этилган янги уй-жой массивларини зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминлаш мақсадида шу йилнинг тўққиз ойида 470,2 километр сув таъминоти тармоқлари, 291,1 километр айланма ва ички автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди, узунлиги 289,6 километр электр тармоқлари барпо этилди, 297 кичик трансформатор станцияси ўрнатилди, шунингдек, 307,9 километр газ таъминоти тармоғи ишга туширилди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида янги массивларда 135 ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари ташкил этилди.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида жорий йил бошидан бўён мамлакатимизда 9,2 миллион квадрат метр (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 110,1 фоиз), жумладан, қишлоқ жойларда 7,1 миллион квадрат метр уй-жой (111,1 фоиз) фойдаланишга топширилди. 2 минг километрдан зиёд, жумладан, қишлоқ жойларда 1,8 минг километр сув таъминоти тармоғи, шунингдек, 361 километр, қишлоқ жойларда эса 269 километр газ тармоқлари барпо этилди.

Бундан ташқари, республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий инфратузилма объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида 68 қозонхона, 132 қозон, 72,8 километр иссиқлик, 83,2 километр газ, 169,9 километр сув, 16,5 минг кило-

метрдан ортиқ электр тармоқлари, 5,6 мингта трансформатор пунктлари, 469 болалар боғчаси, 98 мактаб, 79 шифона, 6 «Муруват» ва «Саховат» уй-интернатлари, 3 болалар уйи, шунингдек, 878 қўп қаватли уйлар капитал таъмирланди.

«Соглом бола йили» Давлат дastури ижроси доирасида 2014 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014–2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дastури тўғрисида»ги ПФ 2221-қарори ва 2014 йил 11 июлдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-қарори қабул қилинди.

Ўтган даврда 59,2 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган 210 умумтаълим мактабини (жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар) қуриш ва реконструкция қилиш, 159 мактабни капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни мебель, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория усқуналари ва бошқа инвентарлар билан жиҳозлаш учун қарийб 300 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, 37 болалар мусика мактаби ва 89 болалар спорт объектлари (жумладан, умумтаълим мактабларида 73 спорт зали) барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 218,2 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Умуман, 2014 йилнинг тўққиз ойида «Соглом бола йили» Давлат дastурини амалга оширишга 4,2 триллион сўм ва 200 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дastурини фаол амалга ошириш натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида 777,8 минг янги иш ўрни, улардан 465 мингтаси ёки умумий миқдорнинг 59,8 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Янги иш ўринлари умумий миқдорнинг 281,8 мингтаси янги кичик корхона ва микрофирмаларни ишга тушириш, 87,4 мингтаси яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан, 116,6 мингтаси фермер ва деҳқон ҳўжалиқларида яратилди.

Ўтган даврда аҳолининг иқтисодий фаоллиги мамлакатимизда иш ҳақини 17,7 фоиз, ўртача пенсияларини 15,7 фоиз, аҳоли жаами даромадини 18,7 фоизга ошириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган 2014 йилги иқтисодий дastурининг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларининг изчил ҳамда аниқ мақсади амалга оширилиши натижасида ташқи бозорда салбий тенденциялар сақланиб қолаётгани ва жаҳон иқтисодиёти ривожининг секинлашишига қарамадан, жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда иқтисодиётнинг мустақам оқори ўсиш суьратларини ва макроиктисодий барқарорлиқни сақлаш таъминланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси жорий йилда иқтисодиётнинг барқарор оқори ўсиш суьратларини таъминлаш, келгуси йилларда макроиктисодий барқарорлиқни янада мустақамлаш учун мустақам асос яратиш бўйича қабул қилинган стратегияни амалга оширишнинг давом эттиришдан иборатдир. Бунда ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳитини мунтазам тақомиллаштириш орқали мавжуд захира ва имкониятларини жалб этиш, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришда инвестициялар самардорлигини ошириш, шунингдек, иқтисодиётнинг таркибий тўз ўзгаришларида хусусий секторнинг ролини кучайтиришга таянилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиғи

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

БЎЛАЖАК САЙЛОВЛАР ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

Андижонда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан вилоятдаги округ сайлов комиссиялари раислари, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари иштирокида семинар ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий ҳамда вилоят сайлов комиссиялари аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари, аъзолари, шунингдек, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, фуқароларнинг ҳақиқат ва давлат ишларини бошқаришда бевоқифият ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишининг асосий кўринишларидан бири экани, сайлов жараёнини ҳар жиҳатдан пухта ва

самарали ўтказиш муҳимлиги таъкидланди. Бунда округ сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини янада ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

Сайлов қончилигидаги ўзгариш ва янгиланган сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш, сайловларнинг, сиёсий партияларнинг сайлов олди тарғибот-ташвиқот ишлари қонунлар доирасида ташкил этилишини таъминлаш, фуқароларнинг сайловлар борадаги билимини бойитиш каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

АКАДЕМИК ВАҲОБ РАҲИМОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Геология ва кончилик соҳасидаги йирик олим, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ваҳоб Раҳимов 80 ёшида вафот этди.

В.Раҳимов 1934 йили Самарқанд шаҳрида туғилди. 1957 йилда Ўрта Осиё политехника институтини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг кончилик бўлимида илмий ходим сифатида иш бошлади. Кейинчалик Москва кончилик иши институти аспирантурасида таҳсил олди. 1963 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент давлат техника университетини "Маркшейдерлик иши" кафедраси доценти, кафедра муdiri, кон-металлургия факультети декани ва университет проректори каби масъул вазифаларда ишлади. Геология ва геофизика, кон муҳандислиги ва геодезия соҳасидаги долзарб масалаларни илмий ўрганиш, илм-фаннинг мазкур мураккаб йўналишида юқори маълуми кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

Атоқли олимнинг тоғ жинсларини қазиб олишнинг назари

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУХАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИХОВ

рий ва амалий масалаларига бағишлаб ёзган кўплаб мақола ва рисолалари, илмий ихтиролари соҳа мутахассислари ва илмий жамоатчилигимизга яхши маълум.

Заҳматқаш олим ўз фаолияти давомида меҳрибон ва талабчан устоз сифатида кўплаб ёшларга геология ва кон муҳандислиги сирларидан сабоқ берди. Унинг бевоқифият раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Академик В.Раҳимовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвонига ва "Меҳнат шuhrати" орденига сазовор бўлган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ваҳоб Раҳимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ўқувчи компетенцияси

тажриба-синов жараёнида ривожлантирилмоқда

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази томонидан пойтахтимиздаги 112-мактабда ташкил этилган ўқув-амалий семинарда умумтаълим фанлари бўйича компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари бўйича тажриба-синов ишларининг бориши таҳлил қилинди.

Тадбирда Республика таълим маркази мутасаддилари, туман ХТМФМТТЭ бўлими методистлари, етакчи олим, профессорлар ҳамда тажриба-синов майдончасида фаолият юритаётган экспериментатор ўқитувчилар томонидан фанлар бўйича компетенциялар ўқувчиларда қай даражада шакллантирилаётгани ҳақида батафсил маълумот берилди.

Очик дарслар орқали иштирокчилар таълим тизимидаги янгича талаблар билан таништирилди.

— Бундай семинарлар ўқитувчилар тажрибаси ва малакасини оширишга хизмат қилмоқда, — дейди Халқ таълими бош бошқармаси методика маркази методисти Гул-

чеҳра Маманбоева. — Бугунги тадбирда асосан она тили ва ўзбек тили бўйича ўқувчиларда муайян компетенцияларни шакллантириш юзасидан тавсиялар берилди. Жумладан, 112-мактабнинг она тили фани ўқувчиси Лола Усмонованинг 9-синфда ўтган очик дарси мутахассислар томонидан кузатилиб, қўша гаплар мавзуси бўйича ўқувчиларда ҳосил қилинган компетенциялар таҳлил қилинди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА
"Ma'rifat" мухбири

«Янги нигоҳ» ғолиблари

овоз бериш орқали аниқланади

Тошкент темир йўл муҳандислари институтига ўтказилган видеоконференцияда «Қамолот» ЁИХ, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази вакиллари иштирок этиб, «Янги нигоҳ» видеороликлар танлови якунлари бўйича маълумот беришди.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган видеоанжуманда маълум қилинганидек, «Янги нигоҳ» видеороликлар танловига 300дан ортиқ ижодий иш кел-

либ тушди. Ижодий ишларда юртимизнинг туризм салоҳияти, миллий қадрият ва урф-одатлари, мамлакатимиз табиий ҳудудлари акс этган.

Тадбирда «Қамолот» ЁИХ Марказий кенгаши бош мутахассиси Алишер Тожиёв танловга келиб тушган барча ижодий ишлар videotanlov.uz сайтига жойлаштирилгани, интернет фойдаланувчилари томонидан видеороликларга овоз бериш жараёни ташкил этилгани ҳақида гапириб ўтди.

Жорий йилнинг 8—10 ноябрь кунлари Хива шаҳрида ушбу танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилади.

Саноҳар ЖУМАНОВА

ОАВ ва болалар

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Болалар оммавий ахборот воситалари: ютуқлар, муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Болаларга мўлжалланган ОАВ фаолияти самарадорлигини янада ошириш, муаммоларнинг ечимини топиш мақсадларига қаратилган тадбирда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, журналистлар ва ёшлар иштирок этишди.

— Бугун болаларбоп материаллар бериш оммавий ахборот во-

хоталарини тузатиб ҳавола этиш керак. Бунинг учун журналистлар эътиборли бўлиши зарур.

Давра суҳбати давомида «ОАВнинг болалар тарбиясидаги ўрни», «Болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда ТВнинг роли», «Тахририятларда ёш муҳбирлар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари» мавзуларида қизиқarli маърузалар тингланди.

Олимжон ЖУМАБОВЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Она тили сабоқлари

Олмазор туманидаги 111-умумтаълим мактабида «Она тили ва адабиёт фани ойлиги» якунига бағишланган «Она тилим — жону дилим» мавзусида адабий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг она тили ва адабиёт фани методик бирлашмалари раҳбарлари, ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва ихтидорли ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг аҳамияти, она тилимизнинг ривожланиш босқичла-

ри, тил бойлигини сақлаш, муомала ва сўзлашиш одоби ҳақида сўз борди.

— Тадбир доирасида деворий газеталар тайёрланиб, ўқувчилар орасида она тили ва адабиёт фани бўйича тест синовлари ўтказилди. Шу билан биргаликда синфлар мушоира, саҳна кўриниши, кўргазмалар кўрсатиш, таърифлар тайёрлаш бўйича ўзаро беллашди. Ғолиблар фахрий ёрлик ва нодир китоблар билан тақдирланди, — дейди мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Назира Тошова.

М.МИНГБОВЕВА

Oliy Majlis Qonunchilik palatasida СИФАТЛИ ДАРСЛИК — ПУХТА БИЛИМ МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган эшитув бўлиб ўтди.

Парламент қуйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази мутасаддиларининг мавзуга оид ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори ўринбосари З.Худойбердиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлод келажаги йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, замонавий билим ва касб-хунар эгаллашиш учун барча зарур шароитларни яратиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Таълим соҳасидаги ислохотлар жараёнида янгиланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида дарслик, ўқув-методик адабиётлар яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда таълим масканлари ўқувчиларини дарслик ва ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлашга эришилди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 1-синф

ўқувчиларига дарслик ва ўқув қўроллари совға сифатида берилаётгани, меҳрибонлик йўлари тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандлари дарсликлар билан бепул таъминланаётгани соҳадаги ислохотларнинг кучли ижтимоий йўналтирилганидан далолатдир.

2011—2014 йилларда умумтаълим мактаблари учун 1414 номдagi қарийб 85 миллион нусха дарслик ва ўқув адабиёти чоп этилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мактабгача таълим масканлари тарбияланувчилари учун нутқ ўстириш, ўқш ва саводхонликни таъминлаш, математик тасавуurlарни шакллантириш, ҳўқоялар ва шеърлий тўпламлар, саломатликка оид илқ билим ва кўникмалар юзасидан беш номдagi қўлланмалар тайёрланди.

Замон талабига ҳамоҳанг бўлган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда уларнинг ўқувчи ёши, психологик ҳолати, дунёқарашига мослиги, санитария-гигиена талабларига жавоб бериши, нашрнинг дизайни, полиграфик сифати юқорилигига жиддий аҳамият қаратилмоқда.

Йиғилишда дарсликлар ва ўқув адабиётларининг сифати ва мазмунини янада яхшилаш юзасидан атрафлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

«БИРГАЛИКДА ТИЛ ЎРГАНИШ МАРОҚЛИ»

акцияда иштирок этган 3000 нафар бола ва уларнинг ота-оналари шундай хулосага келишди

Халқ таълими вазирлиги, Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги фаол иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Халқ таълими вазири У.Иноятов ҳамда Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги фавақулдода ва мухтор элчиси Жорж Эдгар ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимизда ёш авлоднинг чет тилларни ўрганиши учун барча имконият ва шароитлар яратиб берилаётгани, хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ва илгор методлари жорий қилинётганини алоҳида таъкидлашди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида акциянинг фаол иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Халқ таълими вазири У.Иноятов ҳамда Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги фавақулдода ва мухтор элчиси Жорж Эдгар ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимизда ёш авлоднинг чет тилларни ўрганиши учун барча имконият ва шароитлар яратиб берилаётгани, хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ва илгор методлари жорий қилинётганини алоҳида таъкидлашди.

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш борасида янги даврни бошлаб берди. Бугун юртимизда чет тиллар, хусусан, инглиз тилида ўз фикрини бемалол ифодалаб, эркин сўзлаша оладиган, келажакда халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадиган ёш авлод улғаймоқда. Буларнинг барчаси фарзандларимизнинг дарсдан ташқари бўш вақтларида ҳам чет тилларни ўрганишга йўналтирилган, ўқитишда қувноқ ўйин ва интерфаол усуллардан кенг фойдаланилаётгани самарасидир. Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан шу йилнинг 27 сентябридан 30 октябрга қадар давом этган акция ҳам болаларнинг бўш вақтида инглиз тилини ўрганиши, айниқса, оила даврасида — ота-оналари кўмагида тилни ўзлаштириши учун имконият яратиб беришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

— Болажонларга ота-онаси билан бирга бирор юмушни бажариш чексиз завқ бағишлайди, бундай бахтиёрлик уларнинг хотирасида бир умр



сақланиб қолади, — дейди Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси инглиз тили лойиҳалари менежери Наталья Сарикова. — Акция доирасидаги тадбирларда болалар ота-онаси билан бирга қатнашишига эътибор берилганининг боиси ҳам шу. Машғулотларда ота-оналарга уйда фарзанди билан инглиз тилини ўрганиш имкониятлари ҳақида тавсиялар берилди. Педагоглар ўқитувчи—бола—ота-она ҳамкорлиги-

ни таъминлашга хизмат қиладиган ўқув манбалари билан таништирилди. Акцияда 3000 нафар бошланғич синф ўқувчиси ва уларнинг ота-оналари, 50 нафар мактаб ўқитувчилари, инглиз тилини замонавий услубларда ўқитиш бўйича 9 нафар мураббий ҳамда ижтимоий тармоқларда йўлга қўйилган танловлар қатнашчилари фаол иштирок этди.

Чет тилларни ўрганиш ёшларнинг келажакда етук мутахассис сифатида шаклланиб, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам берувчи омиллардан бири саналади. Шу боис тил ўрганишга бўлган қизиқишини, иштиёқни қўллаб-қувватлаш лозим. Бу жараёнда ота-оналарнинг кўмаги муҳим аҳамиятга эга.

Акция ота-оналарга шу муҳим вазифани амалга ошириш учун қўлай имконият яратди. Пойтахтимиздаги Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби, 142-, 6-мактабларда ўтказилган қизиқарли машғулотлар, қувноқ ўйин ва қўшиқлар қатнашчиларини инглиз тилини осон ўзлашти-

ришга доир илгор методлар билан таништиришда қўл келди. Ҳар шанба кунги таъкил этилган амалий семинарларда «Уйда инглизча гаплашамиз», «Инглиз тилида шеърлар», «Расмий китобларни инглиз тилида ўқиймиз» мавзуларида машғулотлар олиб борилиб, ота-оналар тарқатма материаллар билан таъминланди. Тил ўргатиш борасидаги халқаро тажрибалар ҳусусида фикр алмашилиб, улардан ижодий ёндашган ҳолда

Reportaj

амалда фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди.

— «Инглиз тилини ота-оналар билан ўрганиш» лойиҳаси болаларимизнинг тил ўрганишга қизиқишини янада кучайтирди, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири Муножат Азизова. — Қарийб бир ойдан бери акцияда фаол қатнашиб, болаларга уй шароитида тил ўргатишнинг илгор методларини ўзлаштирдим. Қизгин машғулотлар, амалий ўқув-семинарлар ва қувноқ ўйинларини уйда ҳам ташкил этишнинг самараси катта экан. Фарзандларимизга уйда инглиз тилини ўргатишга мўлжалланган қўлланмадан фойдаланиб, ўзим ҳам тилни ўрганишга қизиқиб қолдим. Уй бекасиман. Беш яшар ўғлим билан сўзларни ёд оламиз, талаффузимизни раволаштирамиз. 1-синфда ўқитган қизим мактабдан келгач, машғулоти-миз янада жонланади: у янги ўрганганларини биз билан ўртоқлашади.

«Бирга қўйлаш мароқли» номи инглиз тилидаги қўшиқлар ҳамда www.learnenglishkids.britishcouncil.org веб-сайти материалларига асосланган расмлар қўрик-танлови акциянинг қўриниқи руҳда ўтишини таъминлади. Болалардан сайтдаги ёқтирган қаҳрамонининг расмини чизиш талаб этилди. Якуний маросимда энг яхши расм муаллифлари аниқланиб, голиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совгалари билан тақдирланди. «Бирга қўйлаш мароқли» номи инглиз тилидаги қўшиқлар танловининг финал босқичи маросим қатнашчиларига ҳушудлик бахш этди. Танлов шартига кўра, мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари инглиз тилида тайёрлаган қўшиқларини ижро этишди.

Илхом ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ИНТЕГРАЦИЯЛАШТИРИЛГАН ДАРС

ўқувчиларнинг чет тилини пухта ўрганишига асос бўлмоқда

Инсон қанча кўп тил билса, дунёни шунча тереқ англайди. Чет тилларни пухта ўзлаштирган мутахассис ҳам ўз соҳаси бўйича жаҳон таърибасини тез ва осон эгалай олади. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хорижий тилларни ўргатишнинг самарадорлигини ошириш борасида илмий изланишлар олиб борилиб, илгор таърибалар оммалаштирилмоқда. «Чет тилларни ўқитишнинг жадаллаштиришнинг инновацион йўналишлари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиши ҳам мана шу йўлдаги муҳим қадам бўлди.



Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 144-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган анжуман таърибали ўқитувчиларнинг намунавий дарсларини кузатиш билан бошланди. Машрабхон Умарова, Зулфия Гулмонова каби бошланғич синф ўқитувчилари она тили, математика, табиатшунослик дарсини инглиз тили билан уйғунлаштириб ўтишди. Тадбирда халқ таълими тизими ходимлари, юртимизнинг барча ҳудудларидан келган чет тили ўқитувчилари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилар иштирок эттишди.

Анжуманинг ялпи йиғилиши бошланди. Унда конференцияни ташкил этишдан асосий мақсад педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, чет тилларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш эканлиги алоҳида таъкидланди. Маърузаларда чет тилларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг ўрнини

Respublika ilmiy-amaliy anjuman

белгилаш, уларни амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида урғу берилди.

— Анжуманда «Бошланғич таълим сифатини оширишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга йўналтирилган тадқиқотларнинг илмий натижалари асосидаги қўлланмани нашрга тайёрлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш (инглиз тили, алифбе, ўқиш, она тили, математика ва табиатшунослик)» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасидаги изланишлар натижалари ҳам тақдим этилди, — дейди Т.Н.Қори Нибзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий котиби Муяссар Диванова. — Конференцияга 200га яқин маърузалар келиб тушган бўлиб, мазкур материалларда замонавий таълим шароитида чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш, инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни ўқитишда коммуникатив-инновацион технологиялардан фойдаланиш, чет тили ўқитувчиларида лингвистик ва умуммаданий компетентликни шакллантириш, чет тилини

ўқитиш шароитида илгор педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш масалалари ўз ифодасини топган.

«Чет тилларни ўқитишнинг жадаллаштириш — долзарб муаммо сифатида» ва «Узлуksиз таълим тизимида ёшларга чет тилларни ўргатишнинг инновацион технологиялари» мавзуларидаги шўъба йиғилишларида муҳокамалар давом эттирилди. Педагоглар ўз таърибаларини баён этиб, ҳамкасблари билан ўзаро фикр алмашишди. Эътиборлиси, маърузаларнинг аксарияти хорижий тилларда ўқилди.

Анжуманинг якуновчи йиғилишида ёшларга чет тилларни ўргатиш, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш ва истиқболда мазкур йўналишда узлуksиз таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Санобар ЖУМАНОВА,
Дилфоза ТОШКЕНБОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

Тонг. Куёш оламга нур улашди. Қоронғилик чекиниб, шабна тугшан бог ва хиёбонлар биллурдек товланди. Бу уйиндан завлланган масрур кушлар дарахт шоҳларига кўйиб пайдар-пай чуғурлашди-да, шулар ичидан биттиси қанот силкиб, кўкка учди. Осмоннинг тубига етмоқчидек қанот қоқверди.

Олмаҳон унга бир қараб қўйгач, ҳалиги қушнинг ҳаракатларига ҳавасланиб тик ўсган дарахт шоҳига тирмашиб юқорига чиқа бошлади. У айри шоҳга етиб нарчадими, бирдан тўхтади-да, қушни кузатди. Узок тикилиб кўзлари толғач, аланг-аланганча чинордан ерга тушди. У ёқдан-бу ёққа нимадир излаб зириллаб югурган тоғди, сўнгра фавворадан отилаётган томчиларга ҳайратланганнамо бир муддат қараб турди-да, шивир-шивир пайоңаб олислади.

Метроҳан «Мустақиллик» бекатидан чиққач ҳаёл суриб кетиб борарканман, олмаҳон ҳайикмай мен томонга пилдираб келди-ю, аллақандай масъум тикилиб, кейин қўлидаги ёнғокни тушириб қўйишдан кўрққандек уни маҳкам ушлаганча изига қайтди. Гўё менга йўл кўрсатмоқчидек ортига қарай-қарай йўладан кетаркан, қушлар пир этиб ҳар тарафга тарқалди. Бу ноодатий уйиннинг сабабини билмоқчидек ўша томонга ўғирилдим. Қушлар аллақанон шоҳга кўйиб, яна сайрашга чоғланди. Бепарво олдинга қадам ташлаган ҳам эдимки, ногоҳон тик-тик этган товус қулоққа чалиниб сергақландим. Олмаҳон эса сада биқинидаги ковакка бошини суқиб «ха» дегунча яширинди.

Тахминимча, бирор қиз пош-насини тақиллатиб ортимдан келарди. Қайрилиб қарадим. Йўқ, бир киши ҳасса тутганча аллақерга шошар, бирор мажлис ё йиғилишгами етиш учун бамисоли учгудек шашти бор эди.

У тўрт-беш қадам босиб, илкис мункиди. Шошгандан кейин шу-да! Ҳасса қўлидан учди, у қидириб, пайпаслади. Бошим ғувиллади; ёрдамга ошиқдим. Ана ҳассаси...

Ҳассани топиб, қўлига тутдим. Суняиб тургач кийимларини қоқди-да, ҳассани қўлтигига кистириб, кулди:

— Сизни ҳам йўлдан қолдирдимми?

— Қайтанга яхши, бир ўзим зерикардим.

У нимадан гап бошлашни билмай каловланаркан, андиша маънисини тушундим.

— Эрталабдан, йўл бўлсин, оғайни?

— Кутубхонага... — деди у дадил.

Ҳазиллашариптими? Қандай ўқийди? Тўғриси, бир лаҳзада бошимда кўплаб тахминну саволлар туғилди. Лекин вазият суҳбатдошимнинг кўнглига тегиб кетмаслик даражасида эҳтиёткорлик, ўта ҳалимимни тақозо этарди.

— Кечикмай деб, югуришингизга қараганда... Ишласангиз керак!

У бош чайқайди.

— Йўқ...

Тил тиллаб туролмадим.

— Бўлмаса нега?

— Кутубхонага нега боришадиган?

— деди у ажабланишанмо.

Чиндан, кутубхонага нега боришадиган? Савол шу қадар ўринсиз эдики, панд еганимни англаб, мум тилладим.

Ҳаяжонданми ё ҳайратданми, ишқилиб, аллақандай туйғу таъсирида уни йўладан етакларканман, "Яқин ўртада кутубхона йўқ-ку!" деган ўй миямни чулғаб, ҳар бир бионинг пештоқига қарардим. Сўл томонимизда "Санъат галереяси" ва "Ёшлар ижодиёти маркази".

Хангома жонланиб, унинг исми Қудрат эканлиги, мендан уч ёш катталигини билдим. Бир неча кун илгари келганида ҳасса ёрдамида манзилга зўрға етиб олгани, кейин кечгача ўша ерда китоб титкилаганини эшитиб, ўқиган китобларини сўрашга тушдим.

Хамроҳимдан қай китобни сўрамай "Ўқиганман" деб жавоб берар, тўқинланиб, ўша асарда келтирилган жумлалардан иқтибос келтирар, қайси метод — реализм, романтизм ё сен-таментализм, сюрреализми дарров изоҳларди.

ЕТАКЛОВ

ёхуд кимни ким, қаерга олиб боргани хусусида



— Олдиндан узр, лекин бир савол мени қийнапти, — дея тугилиб гап бошладим. — Шунча китобни ўқиш...

У мулоҳазани дарров илғади. — Тушундим. Адабиётга ихлос қўйишимда... — у негадир тўхтаб чуқур нафас олди. — Домламининг ҳиссаси катта. У барчамизни йиғиб китоб ўқир, биз берилиб, завқланиб тинглардик-да, асарнинг бирор ўрни тўла англашилмаса, мутолаа битга устоздан сўрадик. "Баҳор қайтмайди", "Кўнгил озодадур", "Чинор" ва "Ўзбек характери" сингари асарларни айнак ўша пайтлари устоздан эшитганман... Кейинчалик Брайль ёзувини ўргангач, ўзим ўқиб бошладим. Ҳарфлар оламнинг чироғи. Ишонсангиз, барча нарсани тасаввур этишга уринаялман. Одам қиёфаси, рухияти, тоғ, дарё, табииётнинг кўрнини, меҳр-шафқатнинг улғуворлигю, муҳаббатнинг қудрати, гурур, ор-номуснинг юксаклиги. Садоқат ва вафонинг кадри, ватанининг азизлиги.

— Исмни эслайсизми, устозингизнинг? — деб сўрадим.

— Йўқ, — деди Қудрат бош чайқаб. — Овозини эслаб қолганман, лекин боягидек адабий оқимлар, ёзувчиларнинг услуби, буюк асарларнинг янги ада-

бий даврни бошлагани ва ўзига хос йўналиши тўғрисида кўп гапирарди. Масалан, адабиётда айсберг назарияси. Ким олиб кирганини биласизми?

— Адабиётни яхши тушунмайман! — дедим, хато гапириб қўйишдан кўрққандек. — Мени синачингиз ажабланарли...

— Тасаввуримда анчагина эҳтиёткор одамга ўхшагандингиз! Мана исботи. Қадам ташлашингиздан маълум: етти эмас, етмиш ўйлаб гапираясиз. Бунинг яхши тарафи—кам хато қиласиз. Ортиқча мақам юборди деб ўйламангу, бироқ сиз ҳам буларни билиб қўйсангиз келажақда асқотаси. Майли, бошқа соҳа кишиси бўлсангиз-да! Айсберг назарияси Эрнест Хемингуэйнинг кашфиёти. Айсбергнинг саккиздан бир қисми кўринади. Баъзи китобхонлар унинг бир қисмини, баъзилар эса саккиз қисмини ҳам кўра-

Сукутдан зерикибми, у гап қотди.

— Брайль ёзувидаги асарларнинг аксарияти янги нашр. Ҳа айтганча, Жалолиддин Румийни ўқигансиз-а?

— Йўқ.

— Ўқигансиз, алдаманг... "Учмоққа қанот йўқ вале учгаймен". Кучли хоҳиш ҳар қандай ҳаракатларни жонлантириш қудратига эга.

Биз ўнг тарафдан кириб бордик.

Кутубхонанинг чап биқинида икки киши гурунглашиб турарди. Уларнинг суҳбати бизгача етгач, Қудрат гўлдиради.

— Халиги киши қуш деганига, бир воқеа эсга тушди.

— Шунчалик сирлими? — дедим қизиқиб.

— Йўғ-эй! Бир туш қўрибман! Тушимда икки қуш бор эмиш. Улар тасодифан қудуққа тушиб кетишибди!

КЎРҚМАСИН, ДЎСТ ТУТУНСИН

Уй юмушлари билан банд она иш столидаги китобларни қизиқиб кўраётган ўғлига танбёҳ берди: «Китобларга тегма! Отанг келса, қўлингизни кесиб ташлайди. Ма, ундан кўра телефонни ўйнаб ўтир!».

Онасининг дашномларидан кўрққан болакай, табиийки, китобдан кўра расмлари кўп, тушуниш осон телефонни афзал билди. Бунинг устига тегса, қўли кесиладиган «буюм»дан кўра, эртаю кеч ўйнаса-да, ҳеч ким индамайдиған, бировга зиёни тегмайдиган, бу «овунчоқ» яхши-да, албатта.

Яна бир воқеа. Бир куни телевизор орқали китоб сотиб олиш ва совға қилиш хусусида кўрсатув намойиш этилди. Унда журналист йўловчи аёлдан фарзандларига охириги марта қандай китоб совға қилгани ҳақида сўраганда, аёл:

— Фарзандларим аллақачон улғайишган. Улар қандай китоб ўқишни ўзлари ҳал қилишади, ўзлари сотиб олишади, — дея жавоб берди.

«Энг доно фикрлар инсоният мулкидир». Доно фикрларни жамлаган хазина сандиги эса, шубҳасиз, китоб. У жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаёти, инсонларнинг дунё ҳақидаги қарашлари, реал воқеликани биллиш ҳақидаги тажрибалари, билимлари, ҳис-туйғуларини ўзида акс эттирарди.

Хўп, шундай экан кўрқитиб, боланинг илк қизиқиларини сўндириб, дунёни танитувчи, тарбияловчи воситадан фарзандларимизни жудо қилишимиз мумкинми? Халқимизда «Бола бошидан» деган нақл бор. Боланинг онги шундай ривожланганки, унга нимани ўргатсанг, шуни қилади, бажарадиган ҳар бир амалининг у ҳаракатларида тақрорлайди.

Демак, бизнинг ижобий ҳаракатимиз, ённки яхши ичимиз баркамол авлод улғайишида мустахкам пойдевордир. Аввало, ўзимиз ҳам китоб ўқишни, кераклисини мутолаа қилишни, у билан дўстлашишни ўрганайлик. Шунда фарзандларимиз илм чироғи — китобдан кўрқимайди, умрбод дўстлашади.

Шахноза ЗИЁЕВА, ЎЗМУ журналистика факультети талабаси

Ma'rifat

2014-yil 1-noyabr, № 88 (8737)

Ўқувчилик йилларим отам билан бозорга борсак, албатта, китоб дўконига қирардик. Отам менга 4-5та китоб сотиб олиб берар эди.

Ўқувчиларимиз китоб ўқийптими? Ота-оналар фарзандларига китоб олиб бераётганими? Ўқувчининг дарсхонаси, китоб жавони бормикан? Уйда нечта бадиий китоб борми? деган саволлар билан Косон туманидаги 33-мактаб ўқитувчилари билан ўқувчиларнинг хонадон-

ОИЛАДАН ТАРАЛАЁТГАН ЗИЁ

ларига кириб бордик. Айрим ота-оналар уялишди, бир қисми хурсанд қаршилаб, китобларини кўрсатишди.

Қизиқарлиси, ўқувчи Динара Нашбандованинг уйдаги китоб жавонини кўриб ҳайрон қолдим. Бу ер худди мактаб кутубхонасига ўхшарди. «Бунча китобни ким йўққан?» деб сўрасам, «Ота-болаларим зиёли инсон бўлганлар!» деди ўқувчим.

Динаранинг даласи Тоштемир ака ҳам китобсевар инсон экан. Кутубхонадан ёшлар, қишлоқ аҳли ҳам фой-

Kitob insonning dunyoqarashi, tafakkuri, so'z boyligini boyitadi, uni tarbiyalaydi, to'g'ri yo'l ko'rsatadi.

даланар, китобхон китобни ўқиб тутатгач, яна уйга олиб келиб бераркан.

Одамлар хонадон кутубхонасининг ёшлар билимини юксаттиришда муҳим ўрин тутаятганини таъкидлашмоқда.

— Кутубхонада йиллар давомида сотиб олинган китоблар жамланган, — дейди Тоштемир Назаров. — Асосий қисмини бадиий адабиёт ташкил этади. Китоб ҳе қачон эскирмайди. Чунки унда фикр бор. Кутубхонадан кўпроқ

абитуриентлар фойдаланишади. Улар талаба бўлгач, раҳмат айтиб кетишади. Хурсанд бўламиз.

Бугун ўқувчиларимизнинг онгидagi бўлишқини тўлдириш учун китоблардан ёрдам сўрайлик. Фақатгина компьютер, интернет, DVD диск, телефонлар фарзандимизнинг яқинига айланиб қолмоқда. Улар учун кичик бир китоб жавони ўрнатиб берайлик, азиз ота-оналар!

Хулкар ХОЛИҚУЛОВА, Косон туманидаги 33-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

КИТОБХОН ИСТАГИ

Китоб дўконларини айланиб юриб, беҳосдан икки боланинг суҳбатини эшитиб қолдим. Афтидан, саккиз ё тўққизинчи синф ўқувчилари. Улардан бири тахланган китобларни кўрсатиб:

— Ўртоқ, мана бу ёзувчининг асари зўр экан. Ёзги таътилда мана қилиб ўқиб чиқдим. Сенгаям ёқди, кимор-бозлар ҳақида, — деди.

— Йўғ-э, ўзи шунақасидан қидираётгандим. Беш қисмли эканми, ҳа, майли, ничего, барини сотиб оламан...

Китоб инсоннинг дунёқараши, тафаккури, сўз бойлигини бойитади, уни тарбиялайди, тўғри йўл кўрсатади. Бирор яхши асарни кўлга олган киши дунё таъшишларини унутиб, ўзини бошқа оламда ҳис этади. Қаҳрамонлар билан бирга яшайди, қувонса қувониб, йиғласа йиғлайди. Ҳақиқий китобхон шундай бўлади. Асардаги воқеаларнинг жонли ва ишончли чиқиши эса, албатта, ёзувчининг маҳоратига боғлиқ. Ўртобосимиз миллат келажакга учун ижодкорлар ҳам масъул эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар: "... агар биз Ўзбекистонимизни дунёга таранум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажакни улғуламмоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввало, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак".

Бугун адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорлар кўпчиликини ташкил қилиш қувонарли, бироқ, айрим ёш ёзувчиларнинг ижоди билан танишиб, уларнинг қораламаларида қатор хатолар борлигини билиб ранжидим. Дунёда қанчадан-қанча адаблар бор. Китобхона уларнинг янги асарларини эшитгач, олиб ўқиш истагига тушади. Асар қаҳрамонлари ҳам оддий кишилар.

Буни қарангки, бир ёзувчининг китоби орқасидаги қуйидаги сўзлар эътиборимни тортди: "Кимдир илҳом қайнагандан, кимдир пул учун, бошқа биров халқ дардини юрагига сиғдирилмаганидан, яна аллақимлар

БОБОЛАР СЎЗИ

Ўқитувчи янги мавзуга тайёрланиши бошларкан, у албатта, қўшимча адабиётлардан, интернетдан самарали фойдаланиши зарур. Чунки фақат дарсликдаги маълумотлар билан чекланиб қолсак, ўқувчиларнинг мавзуга бўлган қизиқиши етарли даражада бўлмайди. Масалан, 5-синфларда адабиёт фанини ўқитишда «Ақлий фикрлаш», «Баҳс-мунозара», «Дидактик ўйин», «Савол-жавоб» усулларидан кенг фойдаланиш мумкин. Бунинг учун олдиндан мавзуга доир плакатлар, жадваллар, тарқатма материаллар, зарур техника воситалари – компьютер, проектор тайёрланади.

Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. Машғулларнинг мақсади тушунирилиб, ўтказиш тартиби таништирилади ва саволларга жавоб бериш учун вақт берилади.

Дарс ўтилган мавзунинг тақдорлашдан бошланади. Шундан сўнг, айтилайк, «Қамолот», ва «Истиклол» деб номланган гуруҳларга берилган саволларга жавоб олинади, улар баҳоланади.

Янги мавзунинг ўтишда интернетдаги мавжуд сайтларда берилган маълумотлардан тўғри, самарали, албатта, онгли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтага назардан олиб қараганда, мақоллар предметга эмас, балки мазмун ва бир ҳодисага қаратилган. Унда сўзлар кўпинча кўчма маънода ишлатилади. Масалан, «Қазисан, қартасан, охир аслинган тортасан», «Олманинг тагига олма тушади», «Қарга қарганинг кўзини чўкмайди» каби халқ донолиги акс этган мақолларда одамзод ва унинг феъл-атвори ҳақида фикр юритилган. Мақолда фикр аниқ, хулоса тугал, ифода лўнда бўлиши лозим ва албатта, ҳаммамиз учун ибратли бўлган фикр айтилиши шарт.

«Савол-жавоб» методига ўқувчиларни икки гуруҳга ажратиб, айнан мақолларнинг ишлатилиши, изоҳи, мазмунини хусусида сўраб ёки мақолларнинг синоним, антоним хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қисқа мусобақа уюштирамиз. Бунда барча ўқувчилар фаоллашади, хилма-хил фикрлар пайдо бўлади, бир-бирига ўргатади, бир-биридан ўрганади. Асосийси эса, бу мақоллар уларнинг хотирасида узок вақт сақланади.

Турди НОМЗОВ, Шахрисабз туманидаги 18-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Кексалар, инсон икки нарсани танлашда адашмаслиги лозим: бири умр йўлдоши, иккинчиси касби, дея таъкидлашади. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг иккинчиси ҳам кишининг бутун умри давомидаги ҳамроҳидир.

Ҳар бир ёш авлод келажақда қайсидир касбнинг қўлидан тутади. Баъзи ота-оналар фарзандини ёшлигидан шифокор ёки тикувчи бўлади, деб орзу қилади. Бу даврда боланинг қизиқишлари эндигина шаклланаётганлиги сабабли ота-онанинг қобилиятини ҳам инобатга олиши зарур.

ЖУРНАЛИСТНИНГ ДЎСТИ

Беш қўл баробар эмас деганларидек, афсуски, айрим бир ота-оналар фарзанди шу соҳага ўқишга қирасан, шу касб эгаси бўлсан деб мажбурлайди. Фарзандининг фикрига қулоқ солмайди. Лекин мажбурлаш унинг касбий лаёқатини сўндиради.

Бувижонимнинг айтишларича, болалигимда ҳарбийликка қизиқиб, амакимнинг бош қийимини кийиб оларканман. То эсимни танигунимча шу орзу изидан юрганман. Лекин йиллар ўтиб қизиқим ўзгарди. Кейинчалик эса ота-онамнинг касбларини, яъни ўқувчилик, шифокорлиқни танлаб кўрдим. Аммо бу касбларга нисбатан ўзимда иштиёқ сезмадим.

Йиллар ўтиб сўз санъати — журналистикага кўнгилда аллақандай меҳр уйғонди. Билмадим, негадир журналистикани ҳаётим мазмунини сифатида кўра бошладим. Унинг машаққати ва масъулиятини англаган сайн янада қўпроқ ўқиш, изланишга ҳаракат қилаялман. Китоб энг азиз дўстимга айланди.

Устозимдан «Бу соҳа мутахассисини бўлиш учун жуда тезкор, қалами ўткир ва кўнгли кенг инсон бўлиши, кўп китоб ўқиши керак» деган гапларни эшитиб, ўзимда мана шу сифатларни тарбиялашга уринаялман. Уйлайманки, мана шу қизиқишларим мени мақсад сари етаклайди.

Сехриё ИБРОХИМОВА

Мустақиллик йилларида миллий қадриятлари-мизни тиклаш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш, асраш ва бойитиш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг юбилейлари кенг нишонланиб, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш ишлари мунтазам равишда йўлга қўйилди. Жумладан, Ибн Сино жамоат фонди ўн беш йилдан буён нафақат мамлакатимизда, балки чет давлатларда ҳам мазкур йўналишда илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келмоқда. Жамоат фонди ижрочи директори Нозимхон МАХМУДОВ муҳбиримизга муассасанинг кенг қамровли ва самарали фаолияти ҳақида гапириб берди:

қаро Ибн Сино ўқишлари” ташкил этилаётир. Ўзбекистон Фанлар академияси, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилаётган мазкур ўқишларда юртимиз ва хориж мамлакатлари олимларининг аллома асос солган йўналишларнинг инсон саломатлигини сақлашдаги ўрни, замонавий тиббиёт ривож-

Ajdodlar merosi — bebaho xazina

лари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келаётганини яққол исботлаб турибди. Қомусий китобда тиббиётнинг назарий асослари, муаллифнинг тиббиёт фалсафасига оид қарашлари, одам анатомияси, касалликлар сабаб ва аломатлари, тўғри овқатланиш таълимоти каби жуда кенг қўламдаги ма-

инглиз тилида касалликлар харитасининг электрон нусхасини ишлаб чиқди. Афшонадаги Ибн Сино музейи фаолиятини такомиллаштириш бўйича лойиҳа ва материаллар тайёрланди. “Хоразм Маъмун академияси ва Ибн Сино авлодлари” мавзусида илмий-амалий семинар Соғлом бола йилига ба-

Аждодларимизнинг мероси — бахона ҳазина

— Албатта, буюк аждодларимизнинг илмий мероси келажакда мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигига хизмат қилишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим асос ҳисобланади. Президентимиз Ислон Каримов шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда таъкидлаб ўтганидек, «Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, унибўйсиз келажакдаги авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз». Башариёт тамаддуни ривожига бекиёв ҳисса қўшган, замонавий илм-фан мактаблари шаклланишига катта таъсир кўрсатган буюк аждодлар бугунги навқирон авлодга мисли маёқ бўлиши шубҳасиз.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ибн Сино жамоат фонди алломанинг

инсониятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан, унинг маънавий-маърифий мероси билан кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларни таништириш, хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Мана, ўн беш йилдирки, жамоат фонди тиббий-ижтимоий хайрия ташкилотларини, нурунийлар учун геронтология (гериатрия) марказларини очиб ва Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий тиббиёт асосида Шарқ табобатини ривожлантириш, алломанинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ишларини ташкил этиш, мактаблар ва олий ўқув юртлири учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ҳамкор ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, буюк олим асарларини тартибга солиш ва нашр эттириш, Ибн Сино музеи ва кутубхонасини барпо этиш, буюк олим асарлари асосида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Ибн Синонинг тиббий ва илмий меросини ўрганишга оид тадқиқот ишларини ташкил этиш каби йўналишларда бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Буюк аллома Ибн Сино меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш юзасидан кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улуғ мутафаккир асарларида ёритилган муҳим масалаларни тиббиёт ходимлари ўртасида тарғиб этиш мақсадида анъанавий “Хал-

да ушбу илмий меросдан фойдаланишнинг аҳамияти хусусида маърузалари тингланмоқда. Шунингдек, мазкур йўналишда Ўзбекистондаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, етакчи тиббий-илмий муассасалар томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, дунёдаги етакчи тиббий-илмий муассасалар, соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Абу Али ибн Синонинг машаққатли ва мураккаб ижодий фаолиятини тасаввур қилиш осон эмас. У замондош олимлар томонидан “Шайх ар-Раис” (олимлар йўлбошчиси), Фарба “файласуфлар султони” ва “шифокорлар подшоҳи” номлари билан шухрат қозонган. Асарларининг аксарияти тиббиёт ва фалсафага тегишли бўлса-да, мантик, физика, кимё, математика, астрономия, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик фанлари соҳасидаги хизматларини ҳам эътироф этмаслик мумкин эмас. Олимлар замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланиб очаётган кашфиётлар Ибн Сино томонидан бир неча аср илгари ўрганилиб, ҳулосалар берилган. Масалан, алломанинг мушаклар қисқариши ҳақидаги назарияси англиялик олим Андру Филлинг Хакслининг илмий излашлари асосини ташкил этади. Ҳолбуки, у бунинг учун 1963 йили физиология ва тиббиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган. Биргина шу мисолнинг ўзи “Тиб қонунлари” асари яратилганидан буён, ҳаттоки бугун ҳам соҳа мутахассис-

териаллар қамраб олинган. Ибн Сино XI асрдаёқ касалликлар кўзгатувчи, сув ва ҳаво орқали юқадиган кўринмас заррачалар ҳақидаги гipoteзани илгари сурган. Хоразмда Маъмун академиясини бошқарган Абу Райҳон Беруний билан ҳамкорлиги Абу Али ибн Синога катта таъсир кўрсатган ва бу икки буюк зотни ягона мақсад сари, яъни илм-фан йўлида бирлаштирган.

Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Синонинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси бениҳоя катта. Ўқув даргоҳларида ўтказаятган маънавий-маърифий, илмий-оммабоп тадбирларимизда айна шу мақсадга, ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, томирларида бунинг аждодлар қони оқаётгани, уларнинг ишларидан фахрланиб, муносиб яшашга ундашга асосий эътибор қаратмоқдамиз.

Шу йилнинг октябр ойида жамоат фонди Тошкент тиббиёт академияси билан ҳамкорликда “Туркистон” саройида “Биз — Ибн Сино авлодларимиз” мавзусида тадбир ўтказди. Иштирокчилар буюк аждодимиз ҳаётидан қизиқарли тафсилотлар, илмий фаолиятига доир эътиборга лойиқ фактлар билан танишилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жамоат фонди тиббиёт муассасаларининг виртуал кутубхонаси учун

гишланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида “Соғлом авлод — соғлом келажак” мавзусида тадбирлар ўтказилди. Мавзуга доир кўргазма, сахна кўринишлари орқали ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Асмус Хеммерих ва мамлакатимиз профессор-ўқитувчиларининг илмий маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдиргани шубҳасиз.

Айни пайтда жамоат фонди илмий ходимлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш қўмитаси грантлари асосида иккита йирик илмий лойиҳа — “Болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш” ва “Аҳоли овқатланишида аминокислоталар танқислиги ва уни қоплашнинг мақбул йўллари” бўйича изланишлар олиб боришмоқда. Шунингдек, VIII Ибн Сино ўқишларида тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Гувоҳи бўлганингиздек, амалга оширилажак ишлар қўламини кенг. Барча ташаббусларимиз, сайёҳаракатларимизнинг давлатимиз, ҳамкорларимиз томонидан қўлла-қувватланаётганлиги хайрли режаларимизни рўбга чиқаришимизга тўлиқ асос бўла олади.

Шаҳноза ХОЛСАИДОВА
ёзиб олди.

2014-yil 1-noyabr, № 88 (8737)

НАМУНАЛИ МАКТАБ

Бухоро вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилаётган «Йилнинг энг намунали мактаби» вилоят кўрик-танлови кенг жамоатчилиكنи таълим муассасаларининг илғор тажрибалари билан таништиришда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Бу йилги беллашувда вилоятдаги мавжуд 533та умумтаълим мактаби иштирок этди. Икки босқичда ўтказилган танловда асосий эътибор таълим-тарбия ишларини ташкил этиш масалалари, меъёрий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси, ўқув масканларининг моддий-техник базаси, таълим мазмунини ошириш ва самарадорлигини таъминлашга қаратилди. Дастлабки босқичда ҳар бир шаҳар, тундан мазкур йўналишда ишларни намунали йўлга қўйган биттадан мактаб танлаб олинди. Кейинги босқичда эса тавсия этилган таълим масканлари фаолияти ҳар томонлама ўрганилиб, кенг таҳлил этилди. Яхшилар орасида энг намунали ўқув даргоҳини аниқлаш осон кечмади. Узоқ давом этган баҳслардан сўнг ғолиблар номи Эълон қилинди.

— Муассасамиз 1-ўринга лойиқ кўрилган хурсандмиз, — дейди Олот туманидаги 7-Олимпия захиралари спорт мактаб-интернати директори Рустам Тўраев. — Вилоятнинг чекка ҳудудида жойлашган бўлса-да, ўқув даргоҳимиз замонавий ва кўркам қиёфаси билан шаҳар биноларидан асло қолишмайди. Барча зарур инвентарлар билан таъминланган учта спорт зали ўқувчилар ихтиёрида. Бундан икки йил аввал вақтинча фойдаланилмаётган бино мактабимиз ҳисобига ўтказилиб таъмирланди ва спорт-соғломлаштириш марказига айлантирилди. Яқинда яна бир йирик спорт зал қурилиб фойдаланишга топширилди. Айни пайтда сузиш ҳавзаси ҳам болалар билан гажам. Жамоамиз бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, салмоқли натижаларни қўлга киритаяпти. Ўқувчиларимизнинг Олимпиада ўйинларида 2 бронза, жаҳон чемпионати беллашувларида 12 олтин, 11 кумуш ва бронза, Осиё чемпионатида 12 олтин, 19 кумуш ва бронза, республика биринчилиги ва чемпионатларида 109 олтин, 233 кумуш ва бронза медални қўлга киритгани бунинг исботидир.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, Қоровулбозор туманидаги 7-мактаб иккинчи, Жондор туманидаги 5-мактаб жамоаси эса учинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Ирода ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Миробод туманидаги 489-МТМ ҳовлисида кирсангиз, ўзингизни эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этасиз. Ўйин майдончалари тарбиячилар ўз қўллари билан ясаган эртақ қаҳрамонлари, гуллар билан яратилган. Миллий кўринишдаги супа, тандир ва қудуқ ёнига жойлаштирилган кўза кичкинтойлар эътиборини тортади. МТМ жамоаси кичкинтойларни ўзбекона урф-одатлар, қадрият ва миллий ўйинларимиз билан яқиндан таништириб боришга ҳаракат қилади.



БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ КЎНИКМАЛАРИ

МТМ машғулотида шакллантириб борилмоқда

Мана бугун ҳам катта гуруҳ тарбияланувчилари «Нон — ризқ-рўзимиз» мавзусидаги машғулотни ўтиб бўлган, тарбиячи Анна Благодорная болаларни МТМ ҳовлисида олиб чиқиб, ўзбек оилаларига хос бўлган тандирдан фойдаланиш тартиби билан таништирди. Тарбиячи нон ёпиш учун ҳамир қориб бўлингач, тандирга ўтин ёкиб қиздирилиши, оппоқ бўлиб оқарган, бироз совутилиб нон шаклидаги зувалачалар тандирга ёпиштирилиб пишириб олинишини гапириб берди. Болалар саволлар беришди. Кристина билан Даня эса тандирга фақат куруқ ўтин солишни кераклигини билиб олди ва атрофдаги шохчалардан олиб келиб тандир ичига солиб қўйди.

— Қўшимизнинг уйда шундай тандир бор, — дейди 6 ёшли Кристина. — Уларникига тез-тез ўйнагани чиқиб тураман. Баъзида дугонанинг ойиси тандирда нон ёпаётган бўлади. Мен уни қизикиб томоша қиламан.

Болалар «Оқ теракми, кўк терак?», «Ким олади шугинани?», «Лайлак келди» каби миллий ўйинларни севиб ўйнашини айтиб, улардан айрим намуналар ҳам кўрсатиб беришди. Шундан сўнг кичик гуруҳларда бўлиб ўтаётган «Юртимизда олтин куз» машғулотини кузатишга шайландик.

Малика Хайдарова ўн беш йилдирки, МТМда болажонларга таълим-тарбия бериб келмоқда. У ҳар бир машғулотини «Болажон» таянч дастури асосида ташкил этади ва кичкинтойларга мос қизиқarli усуллардан фойдаланади. Тарбиячи эндигина илк ёш гуруҳидан чиққан кичкинтойларни бағрига олган. Меҳрибон педагог ҳар бир кичкинтойнинг ўзига хос характериини ўрганиб, уларга индивидуал муносабатда бўлгани боис жажжилар қисқа

вақт ичида янги гуруҳга мослашиб кетишди.

Кизгин ўтаётган машғулотни кузатамиз.

Тарбиячи: — Болажонлар, ҳозир юртимизда қайси фасл?

Болалар: — Олтин куз.

Тарбиячи: — Кузда табиатда қандай ўзгаришлар бўлади?

Шаҳина: — Куз фаслида дарахтлар барглари сарғайиб, ерга тўкила бошлади.

Андрей: — Мевалар фарқ пишади.

Самвел: — Кушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетади.

Тарбиячи: — Баракалла, болалар! Куз фаслида табиатда юз берадиган ўзгаришларни жуда тўғри айтдингиз. Келинг, энди уларнинг ҳар бири ҳақида батафсил сўхбатлашиб оламиз.

Тарбиячи болажонларга куз фаслида барглarning сариқ, қизғиш ва тилларанг тусга кириши, шунинг учун куз олтинга қиёсланиши ҳақида маълумот берди.

Тарбиячи: — Болажонлар, баланд дарахтлардан секин учиб тушаётган баргларни кузатганмисиз? Улар худди шамол билан ўйнаётганга ўхшайди. Бунинг сабабини биласизми?

Болалар: — Йўқ.

Тарбиячи: — Чунки барглар енгил. Шу боис шамол уларни ҳар ёққа учиради. Шамол қанчалик кучли бўлса, тўкилган барглар ҳам шунчалик узоққа учади. Келинг, энди сизлар билан «Ким кўп барг йиғади?» ўйинини ўйнаймиз.

Тарбиячи қоғоздан ясалган барглари гиламча устига сочиб чиқади. «Бир, икки, уч!» дейиши билан кичкинтойлар кўпроқ барг тўплашга киришади.

«Бу меники», «Буниси меники», «Мен олаётувдим...», «Эҳ, олиб қўйдинг-а».

Талашиб-тортишиб барг тўплаётган кичкинтойларни кўриб, завқингиз келади. Майда қўл моторикасини ривожлантиришга хизмат қилувчи мазкур дидактик ўйин ҳар бир кичкинтойни жонлантириб юборганди. Кимдир кўп барг йиққанидан хурсанд бўлса, кимдир озроқ барглари билан ҳам ўртоғига мактанишга улгурди. Энг кўп барг тўлаган Розияхонни дўстлари чапак чалиб олқишлади. Тарбиячи ҳар бир баргга думалок, учбурчак ва тўғри чизикли шакллар борлигини кўрсатди.

Машғулот кузги мевалар ҳақида давом этди. Болажонлар бошларига мевалар расми туширилган кўргазмаларни кийиб олишди. Тарбиячи меваларнинг ранги, туси, мазаси ҳақида гапиргач, болажонлар ўз қаҳрамони бўлган мева ва сабзавотларнинг фойдала хусусиятлари ҳақида шеърлар ўқиб беришди.

Шу тобда болаларнинг ўйинчоқлариға эътиборимиз тушди. Зумрад, Қиммат, бекасамдан тўн кийиб олган Качалполвон ҳар қандай замонавий ўйинчоқ ва кўғирчоқлар орасида савлат тўкиб турибди. Ўзини Уляна деб таништирган қизалоқни саволга тутамиз: — Уляна, шу кўғирчоқларнинг ичида энг яхши кўрганинг қайси?

— Мана буниси — Зумрад, — деб жавоб беради у.

— Нега Қимматни эмас, Зумрадни яхши кўрасан?

— Чунки Зумрад ақлли, овқат пиширишни билади. Қиммат эса иш қилмайди...

Малика Хайдарова кичик гуруҳ болаларининг миллий қаҳрамонларимизга муносабати ҳақида изоҳ берди.

— 3-4 ёшли болаларга эртақларни бир текис оҳангда ўқиб бергандан кўра имо-ишора ёки ролларга кириб, сахналаштириб кўрсатиш қизиқarli ва таъсирли чиқади. Шу боис миллий эртақларимизни имкон қадар кўғирчоқлар иштирокида гапириб бераман. Шунда улар узоқ вақт ўйин жараёнида ҳам кўғирчоққа эртақдаги ижобий ёки салбий характерииндан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Айниқса, кичик гуруҳларда русийзабон тарбияланувчиларимиз ўзбек болалари билан биргаликда «Меҳмон-меҳмон», «Хола-хола», «Дадаси-ойиси» ўйинларини севиб ўйнайди. Дастурхон атрофида айтиладиган «Хуш келибсиз», «Олиб ўтиринг» каби ибораларни ҳам тез-тез ишлатишадими, бунинг кўриб ўйин жараёни боланинг ривожланиши учун муҳим эканига ишонч ҳосил қиласиз. Чунки бола ўртоқлари айтаётган ва ишлатаётган сўзлар, бажараётган ишларни тез ўзлаштиради.

Зебо НАМОЗОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Курраи заминимиз турли ажойиботларга, гўзал ва жаннатмонанд манзараларга бой. Ҳассос табиатнинг буюк асарларига кўзимиз тушганда ёки улар ҳақида маълумотга эга бўлганимизда, беҳтиёр лол қоламиз. Баҳайбат ва вазмин уммонлар кучоғида ўсган нафис гулдек товляниб қалбларни яшнатувчи оролар жозибаси, сеҳри эса азалдан минглаб одамларни саргузаштларга, гайриоддий сайёҳатларга чорлайди. Ана шундай мафтункор архипелаглардан бири — Мальдив ороларидир.

Йилига минглаб сайёҳларга пешвоз чиқувчи бу оролар расман Дивехи Рожжеге Жумухурийя деб номланади. У Жанубий Осиёда, аниқроғи, Ҳинд океани бағридаги атолл(ҳалқа шаклидаги маржонлар ороли) гуруҳига кирувчи митти мамлакат.

Агар жўроғий манбага мурожаат этсак, Мальдив Республикаси Шри-Ланка оролидан тахминан 700 км жануби-ғарбда, экваториал сувлар устида жойлашганини илғаймиз. Катта-кичик ороллари тўфайли ўзига хос занжир кўринишини ҳосил қилган ушбу давлат жами 1192та маржон ороллари ўзида жамулган этган 20та атоллдан иборат.

Архипелагининг умумий майдони 90 минг квадрат километр бўлса, қуруқликдаги майдони 298 квадрат км.ни ташкил этади. Пойтахти — Мале шаҳри бўлиб, у архипелагдаги ягона шаҳар-бандаргоҳдир. Қолаверса, у оролдаги энг аҳоли зич яшайдиган шаҳар бўлиб, айна дамда 393 минг кишини ўз бағрига олган. Бунинг сабабларидан бири пойтахт эканлиги бўлса, иккинчиси, Мальдивнинг кўплаб оролларида одам яшамаслигидир.

Расмий тил дивехи тили ҳисобланади. Шунингдек, одамлар вақти-вақти билан ҳинд-араб, араб ва инглиз тиллари қоришмасидан вужудга келган сингал тилидан ҳам фойдаланишади. XVII асрдан буён болаларга мактабларда араб-форс алифбосига асосланган имло қоидалари, шакллари ўргатилади. Таълим-тарбия эса араб ва инглиз тилларида олиб борилади.

Мамлакат иқлими сайёҳларнинг дам олиши учун энг мақбул гўша. Боиси, иқлими субэкваториалга хос: шамол қиш ойлари уммонга, ёзда эса уммондан қуруқлик томон эсади. У муссон шамол дейилади. Қуруқ муссонлар архипелагининг шимоли-шарқий ҳудудидан ноябрдан мартга қадар, серёғин муссонлар эса жануби-ғарбий томондан июндан августга эсади. Энг қизиғи, митти давлатда йил давомида ҳаво ҳарорати бир хил — 24 дан 30°C гача бўлади. Январь-февраль ойларида кузатиладиган «энг совуқ» ҳарорат ҳам +17°Cдан пастга тушмайди. Шунингдек, апрел-май ойларида аёхён-аёхён юз берувчи «энг қайноқ» ҳарорат +32°Cдан ошмайди.

Сув ресурслари жаҳон миқёсида тобора муаммоли масалалардан бирига айланмоқда. Чучук сув захираларини асраб-авайлаш Мальдив оролларида ҳам кун тартибда туради. Истеъмол учун яроқли бўлган чучук сувнинг йиллик захираси 0,03 куб. км.га тенг бўлиб, аҳоли 365 кун мобайнида унинг

0,003 куб. км.идан фойдаланади. Айтиш керакки, мазкур кўрсаткичнинг 98 фоизи уй-рўзгор, хўжалик учун сарфланади.

Мальдив ороллари флора ва фаунага ҳам жуда бой. Асосийси, бу мамлакатда

лар қадалгандек ранго-ранг товляниб, кўзни қамаштирувчи жозибача эга маржонқорлар, тропик балиқларнинг минг тусда товлянишидан оғзингиз очилади.

Мальдив ороллари кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган макон эмас. Архипелаг бундан икки минг йил олдин дравидлар (Ҳиндистоннинг жанубида яшовчи тили ва маданияти бир-бирига яқин халқлар гуруҳи) томонидан ҳозирги Шри-Ланка ва Жанубий Ҳиндистон ҳудудларини кенгайтириш мақсадида амалга оширилган сайёҳаракатлар натижасида кашф этилган. Олиб борил-

Ушбу гаройиб «митти мамлакат»нинг дунё сиёсий-иқтисодий харитасида қандай ўрни бўлса, иқтисодиёт оламидаги мавқеи ҳам шундай. Сайёҳлик хизмати мамлакат бюджетига асосий даромад келтирувчи омиллардандир. У ялпи ички маҳсулотнинг 28 фоизини ташкил этади. Шунингдек, давлат таънасига балиқчиликдан ҳам катта фойда тушади. Кокос дарахти, соҳиллар ва ҳоказолар Мальдивнинг ўзига хос таширф қоғозларидир.

Мамлакатнинг экспорт салоҳияти 125 миллион доллар бўлиб, асосий маҳсулотлар балиқчилик ва почта марка-

Bilasizmi?

ган. Шу боис асосий егуликлар, масалан, аксарият мева-сабзавот, полиз экинлари четдан келтирилади. Тўғри, маҳаллий деҳқонлар ҳам «олма пиш, оғзимга туш» деб ўтирмайди, балки кокос палмалари, шунингдек, банан, сабзавот экинлари, мевалар, батат(картошка эмас, мели ўсимлик) ва нон еттириб, элу юрт дастурхонига тақдим этишга интилади. Аммо улар мамлакат аҳолисини ортирмайди, ҳатто етмай қолади...

Айтганча, тўрт томони сув билан қопланган, устига-устак ҳар қарчида юзлаб одамлар истикомат қилади-ган, қисқаси, азбаройи торлигидан фуқаролари кечалари оёғини «деразадан чиқариб» ётишга мажбур мамлакатда маиший чиқиндилар қаерга ташланади?


Биласизми, мутахассислар бунинг ҳам энг мақбул чорасини кўрган ва шароит яратган. Сунъий тарзда барпо этилган, пойтахтдан 6,9 км узоқликда жойлашган Тилафуши қуруқлигида Мальдив архипелагидан келтирилган чиқиндилар қайта ишланаркан. Ушбу оролчаниннг ҳажми 3,5 км.га 0,2 км.ни ташкил этади. У ерда чиқиндини қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишчилар ва уларнинг оиласи, аниқроғи, жами 1000 нафар одам яшаши учун етарли шароит мавжуд. Маълумотларга кўра, ушбу оролчаниннг четки қисмлари 54 нафар тadbиркорга ижарага бўлиб берилган ва шу кунларда сунъий қуруқлик ҳудуди янада кенгайиб бормоқда.

Мана, ороллари ҳам сайр қилдик — иш битди. Келинг энди, оз-моз тамадди қилиб оламиз. Мальдив оролларида яшовчи аҳоли дастурхонидан ҳинд ва арабларнинг севимли таомлари жой олади. Асрлар давомида мальдивликлар бундай нозу неъматларни ўзининг аъёнаний таомномасига сингдириб улгурган. Бундан ташқари, оролликларнинг овқатлашиш рационига уч унсур: кокос ёнғоғи, балиқ ва гуруч, албатта, киритилади. Бу маҳсулотларсиз мальдивликларнинг «қорни тўймайди». Мальдумки, дунё миқёсида овқатлангач, бироз муддат ўтиб, ширинлик истеъмол қилиш таомилга айланган. Мальдив оролларида десертга оқ кокосли шоколад ва турфа сапатлар истеъмол қилинади. Шунингдек, кўк чой ёки шакар қўшилган сутли чойдан ҳўплаганча, кўк билан туташган уммон тўлқинларига қараб ўтиришнинг гашти бўлакча.

Дарвоқе, мамлакат ҳудудида спиртли ичимликлар сотилмас экан. Бунинг сабаби оддий: Мальдив оролларида алкоғол истеъмол қилиш ман этилган. Фақатгина махсус жойларда, масалан, бар ва ресторнларда, бунинг устига, маҳаллий аҳоли вакилларига эмас, балки хорижий меҳмонлар учунгина спиртли ичимлик тақдим этилиши мумкин...

Зоҳиджон ХОЛОВ
тайёрлади.

МИТТИ ОРОЛЛАР ЖОЗИБАСИ



ёввойи ва йиртқич ҳайвон ёки захарли судралиб юрвчи мавжудотларни учратмай-сиз. Яна бир қизиқ томони, мазкур давлат ҳудудида ит боқиш тақиқланган. Уй шароитида мушук ва эҳтиёжга яраша парранда парвариш-лашгагина рухсат этилади. Аҳолининг гўштга бўлган талабини қондириш мақсадида бир қатор ороллarda эчки боқилади. Шунингдек, одамларни сут маҳсулотлари билан таъминлайдиган сигирларнинг яйловларда ўтлаб юрганига ҳам кўзингиз тушади. Оролликларнинг бирдан-бир муаммоси каламушлар билан «жанг» ўтказиш бўлса, ажаб эмас. Дарвоқе, ороллarda «учар» тўлқилар, кўзга кўринмас қисқичбақалар, кўк кўтонлар, тошбақалар, кўплаб асаларилар ва моллюскалар яшаши, кўпайиши учун барча шароит бор.

Ҳар томонини чексиз уммон тўлқинлари ювиб турувчи ороллarning сув ости дунёси ҳам эътиборингизни тортади. Сув ҳавзаларида яшовчи жониворлар бири-биридан ажойиб ва гаройиб. Хусусан, учар балиқлар, тунецлар, денгиз илонлари ва тошбақалар сайёҳлар ҳайратини оширади. Соҳиллардан унчалик узоқ бўлмаган ҳудудда дунёдаги энг йирик балиқ — китсимон акулаларнинг денгиз ҳукмдорига хос хара-катларига гувоҳ бўласиз. Бундан ташқари, дуру марварид-

ган кўплаб изланишларга кўра, мальдивликларнинг озғакчи нутқи ва бошқа маданий хусусиятлари шаклланиши ва то бугунгача риожланиб келишида айнан дравидларнинг ўрни катта бўлган. V—VII асрларда эса архипелаг араблар ҳамда форслар томонидан забт этилган. XII асрга қадар мамлакат аҳолиси будда динига сиғинган бўлса, 1153 йилдан бошлаб ислом дини кенг ёйилган.

1558 йили Мале шаҳри португалияликлар томонидан фатҳ этилгач, у ерда улкан бандаргоҳ қурилди. Бироқ 1573 йили маҳаллий аҳоли кўзғолон кўтариб, босқинчиларни шаҳардан қувиб чиқаради ва портни бузиб ташлайди. Кейинчалик голландларнинг мальдивликларни ўз вассалларига айлантиришига бўлган уринишлари ҳам бе-самар кетади. Фақатгина 1887 йили Британия Мальдив ороллари устидан қучли назорат ўрнатишга муваффақ бўлган. Мальдивликлар инглизларга ҳам тоқат қилмай, 1964 йил апрель ойида улкан норозилик хара-катларини авж олдиради ва бир йил ўтиб, 26 июлда Мальдив ороллари мустақил давлат дея эълон қилинади. 1968 йил 11 ноябрда республика деб расмийлаштирилган бўлса, 1978 йили мамлакатнинг илк президенти сайланади...

ларидан тушадиган улушга тўғри келади. Етакчи хари-дорлар рўйхатини Таиланд (34,5 фоиз), Буюк Британия (13,8 фоиз), Франция (12,2 фоиз), Италия (9 фоиз) ва Шри-Ланка (8,5 фоиз) ташкил этади.

Аммо импорт мальдивликлар учун сезиларли даражада қимматга тушади. Жумладан, нефть маҳсулотлари, қайиқлар, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа истеъмол моллари учун йилига 1,2 миллиард доллар сарфланади. Бу маҳсулотлар ҳам асосан қўшни мамлакатлар — Сингапур, БАА, Малайзия, Ҳиндистон, Таиланддан хари-д қилинади.

Айтиш жоизки, камсонли аҳолига эга мамлакатда меҳнатнинг қадри баланд. Кийим-кечак тикиш, қосиб-лик маҳсулотлари (бўйра, мустаҳкам аркон ва ҳуна-мандчилик маҳсулотлари), сувенирлар, консерваланган озиқ-овқатлар ва қайиқлар ишлаб чиқаришда Мальдив ороллари имкон қадар ички бозорни таъминлашга уринади. Бироқ эркакларнинг кўпчилиги тadbиркорлик ва бошқа жиддий масалалар билан банд бўлган архипела-гда аъёнаний касблар асосан хотин-қизлар зиммасига юкланган...

Яна бир қизиқ жиҳати, бу юртда кишлоқ йўқ. Демакки, ороллarda кишлоқ хўжалиги соҳаси деярли ривожланма-

2014-yil 1-noyabr, № 88 (8737)

КУННИНГ ҚАЙСИ ПАЙТИДА ДОРИ ИЧАСИЗ?

Дори воситаларининг таъсири уларнинг қайси пайт ичилаётганига ҳам боғлиқ экани тадқиқотлардан маълум. Янги изланишлар эса дори-ларнинг 24 соатлик биологик соат ичида турли аъзоларда ҳар хил фолликини намойиш этишини кўрсатди.

Олимлар биринчи мартаба ўндан зиёд тана аъзоси ва ўқималардаги генларнинг муайян тартибда фаоллашуви харитасини тузиб чиқишди. Бу эса бирор дори воситасининг қайси аъзога қандай таъсир этишини батафсилроқ аниқлаш имконини беради.

Масалан, тадқиқотчиларнинг айтишича, жигар ярим тунга яқин фаоллигининг энг юқори чўққисига чиқса, буйрак усти безлари эрта тонгда, яъни соат олтиларда фаоллашар экан.

"Proceedings of the National Academy of Sciences" ("PNAS") илмий журналида қайд этилишича, сичқонлар устида тажриба ўтказган Миссури университети (АҚШ) олимлари жониворларда РНК деб номланувчи биологик молекулалар ишлаб чиқарилишини таҳлил қилишди. Ушбу молекулалар генлардаги ирсий кодлар асосини ташкил этувчи оксиллар синтезида иштирок этади. РНК даражасини аниқлаш орқали организмнинг 12 қисмидаги генлар фаоллиги баҳоланди.

Аниқлинишича, кемирувчилар генларининг қарийб ярми 24 соат ичида турли даражада фаоллики намойиш этган. Янада аниқроқ айтганда, 43 фоиз генда 24 соатлик даврий ритм мавжудлиги аниқланиб, 100та энг оммабоп дорининг 56таси ёки Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган асосий 250 дори воситасининг 119таси инан ушбу генлар мувозанати учун мўлжаллангани маълум бўлди. Бу эса ушбу дори-лар кун ёки тунинг генлар фаоллашган даврида қабул қилинганида кўпроқ самара келтиришини аниқлади.

СУТНИ ҲАМ МЕЪЁРИДА ИЧИНГ

Кўп миқдорда сут истеъмол қилиш нафақат суякларнинг мустаҳкамланиши, балки уларнинг мўрталашуви ҳам сабаб бўлиши мумкин. Швециялик олимлар 20 йил давомида 100 мингга яқин аҳолининг саломатлигига оид маълумотларни таҳлил қилиб шундай қарорга келишди.

"British Medical Journal" нашрида келтирилишича, мутахассислар 39дан 74 ёшгача бўлган 61 минг нафар аёл ва 45 минг эркак орасида ким ортқича миқдорда сут ичган бўлса (айниқса аёлларда), уларда суяклар шикастланиши ҳолати шунчалик кўпроқ учраганини аниқлашди. Шунингдек, кунига уч стакандан ортқича сут ичган кишиларда юрак қон-томир касалликлари сабабли барвақт ҳаётдан кўз юмиш ҳолатлари икки баробар кўпроқ қайд этилган.

Бунга сут таркибидagi яллиғланишларни келтириб чиқарувчи галактоза моддаси сабаб бўлиши мумкин. Изланишлар давомида белгиланган меъёрдан ортқича сут истеъмол қилганлар пешобиди айнаи шу модданинг кўпайгани аниқланди.

Шу билан бир қаторда, пишлоқ ва йогурт истеъмол қилганларда суякларнинг мустаҳкамлангани қайд этилди. Бу эса Михаэльсон бошчилигидаги олимлар гуруҳи илгари сураётган фикри яна бир бор тасдиқланди. Сабаби, мазкур сут маҳсулотларида сутга нисбатан галактоза анча кам учрайди.

ТАСВИР УЧУН ЭНЕРГИЯ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ

Янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилган E-Ink суяқ кристалли экранларнинг асосий хусусияти шундаки, улар ҳаракатсиз тасвирлар учун энергия талаб қилмайди. Бунинг учун Гонконг университети тадқиқотчилари одатий суяқ кристалли экран таркибига айрим ўзгартришлар киритишди.

geek.com манбасининг маълум қилишича, технология суяқ кристалли экранларда оптик қайта ёзиш хусусиятига асосланади. Яъни, биз LCD деб атайдиган одатий суяқ кристалли экранларда махсус электродлар қатламида ўтаётган электр токи оқими рангларни ўзгартирди, бутун бир тасвир ҳосил қилади. Янги турдаги ORWLCD экранларида эса тасвирларни ҳосил қилувчи мазкур қатлам мавжуд эмас.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Биология-тупроқшунослик факультети профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Жўра МУСАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.



Бу эса экранлар қалинлигини янада қамайтиради. Шунингдек, улар янада камроқ энергия талаб қилиб, 3D-тасвирларни намойиш этиш имконияти ортади.

Айни пайтда ишланма фақатгина оқ-қора тасвирларни ҳеч қандай энергия талаб қилмасдан намойиш этмоқда. Шу билан бирга, навбатдаги тасвирларга ўтиш ҳам биров вақт талаб этади. Бироқ яқин келажақда мутахассисларнинг ORWLCD-технологияларининг мукаммал, рангли намуналарини ҳам оммавий тарзда ишлаб чиқаришга эришиши кутилмоқда.

ТЕЛЕПОРТАЦИЯ ВА ВАҚТЛАРАРО САЁХАТГА ОЗ ҚОЛДИ(МИ?)

Лондон Қироллик коллежи ҳамда Глазго университети физик олимларининг фикрича, инсоният телепортация ва вақтлараро саёхатга XXI асрнинг ўзидак гувох бўлиши мумкин.

"Илм-фан оламидаги улкан саволлар" ("The Big Questions in Science") асари муаллифи Колин Стюартнинг "Daily Mail" нашрида эълон қилишича, келажаққа саёхат қилиш аллақачон ўз исботини топган. Бироқ бу мuddат жуда ҳам қисқа — бор-йўғи 0,02 сония давом этган холос. Космонавт Сергей Крикаев томонидан қайд этилган ушбу натижа жуда кам вақт ҳисобланса-да, келажаққа сайр қилиш мумкинлигига далил бўла олади. Агарда ёруғлик тезлигининг 10 фоизигача тезликда ҳаракатланиб, 6 ой давомида коинотда қоладиган бўлсак, Ерга бир кун аввал, яъни келажаққа қайтамиз. Коинотдаги саёхат 10 йил давом этса, уч ҳафта олдинга ўтиш имкони пайдо бўлади.

Глазго университети қошидаги физика ва астрономия мактаби олими Мэри Жаклин Ромеро эса бир жойдан иккинчи манзилга телепортация орқали ўтиш имконияти 65 йилдан сўнг реал ҳодисага айланишига ишонч билдирмоқда. Унинг қайд этилишича, инсонни телепортация ёрдамида бошқа манзилга ўтказиш жуда мураккаб иш. Бироқ бунинг имкони бор. Чунки кимё ва молекуляр биология тараққиёти телепортация ҳақидаги фундаментал қонуниятларни очиб арафасида турибди ва 2080 йилга келиб авлодларимиз бунга гувох бўлишди.

ИЧКИ ОВОЗ СИРЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Инсоннинг ўз-ўзига гапириши ва бошқалар билан суҳбатлашиш жараёнида бош миёда кечувчи нейрорфизиологик жараёнлар бир хил механизмга асосланиши борасидаги назария ниҳоят ўз илмий тасдиғини топди. Олиб бориладиган тадқиқот натижалари "Frontiers in Neuroengineering" илмий журналида эълон қилинди.

Калифорниялик нейрорфизиологлар етти нафар эпилепсия (тутқанок) касаллигига чалинган бемор бош миёсининг фаоллигини қайд этиб боришди. Кузатувлар мобайнида иштирокчиларга турли матнлар намойиш этилди. Ҳар бир бемордан мазкур матнларни аввал овоз чиқариб, сўнгра ичида ўқиш ҳамда ҳеч нарса қилмаслик сўралди.

Матнни овоз чиқариб ўқиш жараёнида муайян сўзлар ифода этилганда миёдаги айнан қайси нейронлар фаоллашганини кўрсатувчи электроэнцефалограмма тасвирлари олинди. Ушбу маълумотлар асосида эса махсус дастур ёрдамида спектрограмма — овоз тўқинларининг визуализацияси ишлаб чиқилиб, матнни ичида ўқилгандаги нейрорфизиологик фаоллик билан солиштирилди. Яқунда натижалар ўзаро яқин экани маълум бўлди.

Ишлаб чиқилган алгоритм гарчи мукаммал бўлмаса-да, олимлар шу йўл билан турли сабабларга кўра сўзлаш имкониятидан маҳрум бўлганлар "овози"ни эшитиш усулининг ишлаб чиқишига умид билдиришмоқда.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.



JUMLADA JAHON

yangiliklari xabarlar

«France-Presse» ахборот агентлиги берган маълумотга кўра, Бразилия жануби-шарқидagi Сан Пауло шаҳрида ўқувчиларни экскурсияга олиб кетаётган мактаб автобусининг номаълум сабабларга кўра йўл-транспорт ҳодисасига учраши оқибатида 10 киши ҳалок бўлган ва яна 20 ўқувчи жароҳатланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси тақдим этган маълумотларга кўра, Британия ҳукумати томонидан ижтимоий дастурларнинг қисқартирилиши мамлакатда ҳар тўрт боланинг бири янада қийин аҳволга тушишига олиб келиши мумкин, дея хабар беради "The Independent" нашри.

Норвегия гарбида сўнгги 200 йил ичида рекорд даражадаги ёғингарчилик ҳамда кучли тошқин содир бўлиши оқибатида 11 хонадон ва 4 та кўприк вайрон бўлган, Вестланд вилоятида ҳатто темир йўл ҳаракатлари тўхтатиб қўйилган.

Почта ва курьерлик хизматларини кўрсатиш бўйича FedEx компанияси учун юқо ташиниш амалга ошираётган «Skyway Enterprises» компаниясига тегишли икки моторли SH-36 самолётининг Кариб денгизида ҳалокатга учраши оқибатида учувчилардан бири вафот этган, иккинчиси эса бедарак йўқолган.

Шри-Ланкада сентябрдан декабргача давом этувчи муссон ёғинларини мамлакат жануби-шарқда кучли лойқа оқимини юзага келтиргани ҳамда чой плантациялари ишчилари истиқомат қиладиган 120та уйнинг сел остида қолиши оқибатида 10 киши ҳалок бўлган, яна 250 инсон бедарак йўқолган, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.

АҚШнинг Канзас штати Уичито шаҳридаги «Mid-Continent» аэропортининг парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича марказ жойлашган биносига унча катта бўлмаган самолётнинг бориб урилиши оқибатида 4 киши ҳалок бўлган ва беш киши жароҳат олган, дея маълум қилади NBC телеканали.

«ОЛТИН»ЛАРНИ ОЛОВГА АЛМАШАНГ

Ҳар фаслнинг ўз таровати бор. Баҳорда ям-яшил тусга кириб, дилларни яйратган дов-дархатлар, гулу майсалар ёзда бобо Кўёшнинг заррин нуруларини эмиб кузда олтиндек товланса, қишда оппоқ-либосини кийиб кўзларни қамаштиради. Бундай манзаралар кўрган кишининг кайфиятини кўтарди.

Ҳозир юртимизда куз фасли кезиб юрибди. Атрофимиз тилларанга бурканган дархатлар билан тўла. Пойингизга тўшалаётган зар япроқлар рақисдан завқланиб борар экансиз, ногоҳ кўзингиз маҳалланинг бир бурчагида бурқсиб ёнаётган хазонлар, ҳавога кўтарилётган захарли тутунга тушадию, дилингиз хира тортади.

Афсуски, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларига қарамай бундай воқеаларга кўп гувох бўлаёtmиз. Аксари ҳолларда бунинг салбий оқибатларини англаб етган катталар томонидан содир этилаётганига нима дейсиз?

Туманимиз маҳаллалари, таълим муассасаларида ёнган хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳам ана шу каби салбий

ҳолатларнинг олдини олишга қаратилмоқда. Жумладан, «Янги давр» маҳалласида ўтказилган тадбирда шу ҳудуддаги 169-мактаб ва 149-МТМ ўқувчи-тарбияланувчилари, ўқитувчи-тарбиячилар ва ота-оналарга кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида содир бўлган ёнғинлар, улардан жабр кўрган аҳоли ҳақида аниқ рақамлар ва ҳаётини миқдор асосида фикр юритилиб, ёшлар оғохлик ва хушёрликка қачирилди.

Д.ЭРГАШЕВ, Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

ҳолатларнинг олдини олишга қаратилмоқда. Жумладан, «Янги давр» маҳалласида ўтказилган тадбирда шу ҳудуддаги 169-мактаб ва 149-МТМ ўқувчи-тарбияланувчилари, ўқитувчи-тарбиячилар ва ота-оналарга кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида содир бўлган ёнғинлар, улардан жабр кўрган аҳоли ҳақида аниқ рақамлар ва ҳаётини миқдор асосида фикр юритилиб, ёшлар оғохлик ва хушёрликка қачирилди.

Д.ЭРГАШЕВ, Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юрtega муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимиз қатори устозимиз — Самарқанд давлат университети профессори, адабиётшунос олим Ҳотам Умурувнинг ҳам “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвонига сазовор бўлгани шогирдларини жуда ҳам қувонтирди.

Ҳотам Умуров шахси моҳир педагог, ҳассос ижодкор сифатида ёзган дарслик ва китобларида, шогирдлари, ҳамкасблари ва талабалар билан мулоқотларида яққол намоён бўлади.

Мен ҳам СамДУ магистратурасида таҳсил олаётган кезларим устознинг мароқли маърузаларидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлганман. Биз унинг нафақат талабчанлиги, қатъиятчилиги, руҳан тетиклиги, балки юриш-туришида, ўзини туттишида акс этадиган юксак ички маданиятидан ҳайратга тушардик.

Моҳир мураббий Ҳотам Умуров маърузачи сифатида қандай санъаткорона хислатларга эга бўлса, ҳеч шубҳасиз, педагогик маҳорат ботида ҳам у кишига тенг келадигани кам. Устознинг дарсларини чуқур таҳлил асосида ўтказиш, адабиётнинг назарий қоидаларини бадий асарлар матнига таянган ҳолда очиш машғулотларнинг қизиқарлилигини, мазмундорлигини таъминлайди. Домла одатда маърузани бошдан-охиргача ёддан, босиқ овозда, ўртача темпда ўқиб, биз магистрантлар мавзуга тегишли асосий гапларни ёзиб олишга бемалол

улгурардик. Талабаларда бадий асарни чуқур ва мазмунан тўғри ўқиб-ўрганиш иш-тиёқини уйғотиш мақсадида у тез-тез мураккаб бўлмаган дидактик усулларга мурожаат қилар, маърузани энг қизиқ жойида тўхтатиб, «Хўш, қаҳрамонларнинг кейинги тақдирини маълум қилиш, улар ҳақ ва ҳақиқатга, бахт-саодатга элтидиган йўллари топишдими-йўқми, бу ҳақда ушбу ажойиб асарни охиригача ўқиб билиб оласизлар», дерди («Ўткан кунлар», «Сароб»).

Бу машғулотлар услубига тегишли энг етакчи хусусият Ҳотам Умурувнинг аудитория билан руҳий-маънавий алоқага кириша олиши эди. У бирор муаммо юзасидан ўзининг шахсий қизиқишни кучли эканлигини бўрттириш мақсадида тингловчиларни ўзаро муҳокамага чорлар, масалани тўғри тушулмагунларича мунозарани давом эттирарди. Ёзувчилар талқинидаги инсон камолоти, умр мазмуни, бахтли яшаш ҳикмати, руҳий

олам чигалликлари каби тушунарлар унинг энгил саъй-ҳаракатлари билан осон, тушунарли, мароқ билан тингланадиган мавзуларга айланарди-қоларди.

Аввало, Оллоҳнинг инояти, сўнгра марҳум онамининг мен — ёлғиз ўғли учун қилган дуолари сабабми, шукрки, ҳаёт йўлимда фақат яхши инсонларга дуч келганман, ўзим ҳам шундай одамлар билан яқинроқ бўлишга, улардан ўрганишга интиланман. Бу сафар ҳам шундай

диссертациясини ёқлаган Ҳ.Умуров тадқиқотларининг аксарияти инсон руҳияти иқлимлари билан алоқадор бўлиб, бу ҳолат менинг ҳам диссертация мавзумини танлашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Устозимнинг маслаҳати ва қўллаб-қувватлаши билан «Ҳозирги ўзбек кинематографияда психологизм» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқладим. Домла илмий тадқиқотчилик қай тарзда олиб борилиши, адабиётлар-

Mukofot sohiblari

занд тарбияси сингари мураккаб масалаларда ҳам домланинг ўғитларидан, китобларидаги панд-насихатларидан фойдаланиб кам бўлаётганимиз йўқ.

Олим ва мураббийнинг педагогик маҳорати ва устозлик этикасининг яна бир муҳим қирраси ўзининг ўрн бўларли тарбиявий ҳаратини суҳбатдошига сезилмас тарзда сингдириш истагидир. Унинг самимий ғамхўрлиги кўнгилларда миннатдорлик ҳиссини уйғотиб, унутилмас маънавий сабоқ бўлиб қолиши шундан бўлса керак. Йигит ва қизлар билан ишлаш жараёнида домла масалага ўзининг шахсий қизиқиши борлигини кўрсатади. Худди талабанинг муваффақият қозониши унинг жисмоний тетиклиги ва манфаатдорлигини таъминлайдигандек таассурот уйғонади. Ана шу юксак эътибор натижасида талаба ўзига нисбатан талабчанлигини, ўзини ўзи назорат қилиши лозимлигини англайди. Табалар Ҳотам Умурувнинг шогирдлари га хаммаша ёрдамга келишини жуда яхши билардилар. Унинг кузатувчанлиги, меҳрибонлиги, ғамхўрлигидан баҳраманд бўлган кўплаб магистрлар, тадқиқотчилар, ёш ўқитувчиларнинг самимий фикрлари бунга тасдиқлайди.

Мутафаккирлар айтганидек, «Тарбия ишида тарбиячининг шахси ҳаммасини ҳал қилади. Шахсини шахс тарбиялайди». Шахс-шубҳасиз, Ҳотам Умуров — ёрқин, маънан ва руҳан етук шахсдир.

Мавлон БОБОХОНОВ,
СамДУ катта ўқитувчиси,
филология фанлари
номзоди

ШАХСНИ ШАХС ТАРБИЯЛАЙДИ

бўлди. Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган кунимиз домла ўзи илмий раҳбарлик қилган ёшларни хонансига қақирди ва келгусида кимнинг қарда ишлаш

ни топиш, улар билан ишлаш, бадий матн таҳлили каби масалаларда ўзининг қимматли маслаҳатлари билан менга бош-қош бўлди. Саводхонликка, илмий баҳс-

Дарсга ўз вақтида, тайёргарлик билан келиш, учрашувга белгиланган вақтда бориш, салом бериш, хушмуомалалик каби оддий инсоний хислатлардан тортиб, рўзғор юритиш, бозор-ўчар қилиш, фарзанд тарбияси сингари мураккаб масалаларда ҳам домланинг ўғитларидан, китобларидаги панд-насихатларидан фойдаланиб кам бўлаётганимиз йўқ.

нияти борлиги билан қизиқди. Ҳаммамизга бирма-бир маслаҳатлар берад экан, менга келганда «Кафедрамиз қошида аспирантурада ўқиш учун битта ўрин бор, агар хоҳишингиз бўлса, сизни шунга тавсия қилишим мумкин», деди. Тўғриси, бунга ҳечам кутмаганлигим учун бироз шошиб қолдим.

Айтиш жоизки, «Психологизм муаммоси ва ўзбек романи» мавзусида докторлик

ларда ўзаро ҳурматга асосланишга, илм йўлида сабр-тоқатли бўлишга даъват қилди.

Устоз бизни ҳар қандай ишда аниқликка ва эътиборли бўлишга ўргатди. Дарсга ўз вақтида, тайёргарлик билан келиш, учрашувга белгиланган вақтда бориш, салом бериш, хушмуомалалик каби оддий инсоний хислатлардан тортиб, рўзғор юритиш, бозор-ўчар қилиш, фар-

УСТОЗ ЙЎЛИ

Ҳар қандай касб ўзининг машаққати ва лаззатига эга. Санъаткорлик ҳам шундай. У инсон руҳиятини озиклантиради, гўзаллиқни куйлайди, маънавий юксаликка етаклайди, атроф-муҳитни севишга, Ватанини қадрлашга ўргатади. Шунинг учун инсон қалбида санъат бор.

Гўзал, мафтункор овоз эгаси, шогирдлар тарбиялаб келаётган устоз санъаткор, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Комила Аминовадир. У Учқўприк туманида оддий ишчи oilасида улғайган. Устози — холаси Фотима Олимова ёрдамида миллий мусиқанинг илк сабоқларидан баҳраманд бўлган. Кейинчалик “Табассум” ансамбли ва замонасининг номдор хонандалари Абдулатиф Холдоров, Саида Абдуллаева, Одина Алимова унинг санъатга меҳрини оширган. Бу меҳр уни Ўзбекистон давлат консерваториясига етаклаган.

Комила Аминова бу даргоҳда бир қатор машҳур устоз санъаткорлар сабоғини олди. Ўқишни тамомлаш арасида Юнус Ражабий номидиган мақомчилар ансамблига ишга қабул қилинди. Айниқса, мақомчилар ансамбли билан биргаликда “Чапандози наво”, “Бухоро ироғи”, “Сарахбори оромжон”, “Мўғилчаи дугоҳ”, “Савти чоргоҳ”, “Савти наво” каби мақом намуналарини, “Жоним менинг”, “Шароб-1”, “Гуллар



тутай кўлингга”, “Этмасмидим”, “Кўнгил” каби қўшиқларни ижро этиб, Ўзбекистон радиоси олтин фондига муносиб ҳисса қўшди.

Устоз 2005 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвонига сазовор бўлди.

Шогирдлари орасида аллақачон халқ назарига тушган, меҳрини қозонишга улгурганлари бисёр. Айниқса, “Нихол” мукофоти совриндорлари, кўриктанловлар ғолиблари борлиги қувонарли. Таниқли хонанда Ҳилола Ҳамидова, Гавҳар Салимова, Моҳичеҳра Жуманова шулар жумласидандир.

Мен меҳри дарё устоз Комила опанинг шогирдлари қаторида эканлигимдан жуда-ям фахрланаман. Айни пайтда устознинг йўл-йўриқлари билан аънавий хонандалик йўналишида изланаялман. 2010 йили “Нихол” мукофотида сазовор бўлишимда, албатта, яқин сирдошимнинг меҳнати катта. Мен устозимдан миннатдорман, ҳаммаша унга суянаман. Келажакда уларнинг йўлидан бориб, “Шашмақом” намуналарини ўрганиб, халқимизни хушнуд қилишга, маънавий дунёларини бойитишга интиланман. Шубҳасиз, устозимнинг йўли ибратлидир.

Сайёра МАМАТКУЛОВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
магистранти

САНЪАТ ЖОНКУЯРИ

дан қабул қилинади. Тўрт йил давомида мусиқадан сабоқ олган ўқувчиларга мусиқа ва санъат коллежларида ўқиш учун йўллама берилади. Мактабда ўқувчилар рубоб, чанг, фортепиано йўналишлари бўйича таълим олишади. Шоназар Иброҳимовдан таълим олган ўқувчилар бугунги кунда олий ўқув даргоҳларида таҳсилни давом эттирмоқда, турли кўрик-танловларда қатнашиб, муваффақиятларга эришмоқда. 30-умумтаълим мактабидан устоз саъй-ҳаракати билан ташкил этилган «Парвоз» болалар ансамблининг парвози бутун вилоят бўйича тарқалди.

Санъатнинг нонини ейиш машаққатли. Айниқса, бу соҳада устозлик қилиш янада масъулиятли. Шоназар буларнинг барчасини энгил ўта оладиган жонкуяр ўқитувчи, меҳрибон устоз. Ўқувчиларининг муваффақиятларини кўрганда юз чандон қувонади. Устозни шамчироққа ўхшатгим келади. Чунки у доимо йўллари ёритади.

Дарвоқе, истиқлолимиз байрами арасида тумандаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби янги бинога кўчиб ўтди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
Кўшқўприк туманидаги 34-умумтаълим
мактаби директори ўринбосари

2014-yil 1-noyabr, № 88 (8737)

Бугун оммавий ахборот воситалари орқали ҳар кун, маҳалламизда, қишлоғимизда ўғил-қизларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ёруғ юз билан қайтаётганига гувоҳ бўлаялмиз.

Айтиш керакки, бугун спортнинг аҳоли орасида тез оммалашуви ҳаётий эҳтиёжга айланди. Диёри-мизда ўсиб келаётган ёш ўғил-қизларимизнинг салотлигини мустаҳкамлаш,

олимпиада ғолиб ва со-вриндорлари етишиб чиқа-япти. Улар она Ватанимиз номини халқаро ареналар-да муносиб шарафлаб, ри-вожланган давлатлардан келган тенгдошлари билан

Bolalar sporti

илмли ва тиришқоқ эканини билмоқда. Бу ҳақда ўйла-ганда, қалбларимиз гурур ва ифтихорга тўлади.

Албатта, бундай натижа-ларга эришишда жойларда-ги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда у ерда меҳнат қилаётган ма-лакали, фидойи мураббий-ларнинг ҳам хизмати, ҳис-

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида кўрам ва за-монавий, мустаҳкам моддий-техник базага эга спорт иншо-отлари фаолият юритмоқда. Минглаб ўғил-қизларни бағрига олган мазкур спорт масканларида саломатлиқни мустаҳкам-лаш билан бирга, турли мусобақаларда қатнашиб, муваффа-қият қозониш учун барча шарт-шароит яратилган.

Айни пайтда Қашқадарё ви-лоятининг Китоб туманида ҳам иккита Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият юри-моқда. Бу, энг аввало, ёшларимизнинг спортга бўлган иш-тиёқини ошириш ва ўзлари қизиққан спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши ҳамда имкониятларининг тўлиқ намоён бўлиши, орзулари рўёбга чиқиши учун замин ҳозирла-моқда.

Тумандаги 1-БЎСМда ҳозир-да ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан машғул бўлиши учун етарлича қулай-лик яратилган. Футбол, волей-бол, баскетбол, кураш, таэк-вондо, стол тенниси, бадий гимнастика, дзюдо ва шахмат тўғрақлари ташкил этилган. Уларда 564 нафар ўқувчи (133 нафари қизлар) 38 гуруҳга бўлинган ҳолда машғулотлар-да қатнашмоқда. Уларга спорт сирларини 15 нафар малакали мураббий ўргатмоқда.

— Ёшларнинг спортда эгал-лаган билим ва кўникмаларига энг хolis баҳо мусобақаларда берилади, — дейди БЎСМ ди-ректори Музаффар Аҳмедов. — Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Умид ни-ҳоллари» спорт мусобақалари бу борада муҳим синовдир. Мусобақаларга тайёргарлик режа асосида олиб борилади. Тўғрақларда шуғулланаётган болаларнинг беллашувларда орттирган тажрибаси, маҳора-ти ва кўникмаси ана шундай турнирларда кўл келади. Шу-нингдек, мураббийларнинг фа-олияти ҳам доимий эътибор-да.

«Умид ниҳоллари—2014» спорт мусобақаларининг вило-

ят босқичида мактаб жамоаси намунали иштирок этапти. Жумладан, волейбол бўйича ўсмирлар жамоаси 1-ўринни, енгил атлетика бўйича 2-ўринни, таэквондо бўйича ҳам 2-ўринни, қўл тўпи бўйича эса қизлар ва ўсмирлар жамоала-ри 3-ўринни забт этишди.

Бадий гимнастика мураб-бийи Наргиза Тамалова хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган вилоят биринчилигида ғалаба қозониб, пойтахтимизда ўтқа-зилган республика босқичида 2-ўринни эгаллади. Бу эса унинг шоғирдларини руҳлан-тирди. БЎСМнинг бадий гим-настика бўйича терма жамоа-си ҳам спорт мактаблари ўрта-сида ташкил этилган вилоят биринчилигида тенгсиз деб то-пилди. Сурхондарёда бўлиб ўтган финал босқичида эса му-носиб иштирок этиб, ўз имко-ниятларини синовдан ўтказиш-ди. Бундан ташқари, мактаб-нинг волейбол, кураш, дзюдо, таэквондо ва стол тенниси жа-моалари ўқув йили давомида уюштирилган кўплаб вилоят ҳамда республика миқёсидаги спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келади.

Спорт мактаби жамоасининг асосий мақсади спорт ва жис-моний тарбиянинг ёшлар қал-бидан жой олиши, саломатли-гини мустаҳкамлаш ва ўзаро дўстона муносабатларни юза-га келтиришга эришишдан иборат. Ёшларимиз ҳам мана шундай кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бугун эр-танги кун учун мустаҳкам пой-девор яратиши лозим.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

СПОРТГА БЎЛГАН МУҲАББАТ

фарзандларимизда болалигиданоқ уйғониши лозим



турли ёт ғоялар, зарарли унсурлардан ҳимоя қилиш-да, спорт ва жисмоний тар-бия бемисл аҳамият касб этмоқда. Ҳар жиҳатдан му-камал тараққиёт дастури-га асосланган ҳолда, мам-лакатимизнинг барча ҳуду-дида кучли ихтимоий сиё-сат олиб борилаётгани ёшларимизга, уларнинг кат-та ҳаётга дадил кириб бо-ришлари, ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсишларига қаратилган эзгу саъй-ҳара-катларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ёшларимиз ора-сидан қитъа, жаҳон ва

тенгма-тенг курашмоқда, мусобақалашмоқда.

Юртбошимиз томонидан, аynиқса, болалар спортини ривожлантиришга берилаёт-ган улкан эътибор, кўрсати-лаётган юксак ғамхўрлик ўз самарасини бераётгани, му-заффар спортчиларимизнинг юксак ютуқлари орқали Ер курашасида яшовчи миллион-лаб одамлар жаҳон сиёсий-ижтимоий харитасида Ўзбе-кистон деган келажаги буюк давлат борлигини, унинг жаннатмакон юрт эканини, ёшлари истисоддодли, ватан-парвар, иродаси мустаҳкам,

саси бор. Пойтахтимиздаги 31-БЎСМ — ана шундай ба-ғрикенг масканлардан бири. Айни дамда мазкур муасс-сада жами 804 нафар (297 нафари қизлар) ўқувчи фут-бол, эркин кураш, вело-спорт, бадий гимнастика, стол тенниси, енгил атлети-ка ва таэквондо билан мун-тазам шуғулланмоқда. Ёш авлод вакилларининг жисмо-нан соғлом, ақлан етук бўлиб вояга етиши учун 26 нафар мураббий ўз тажрибаси ва меҳнатини аямаяпти.

(Давоми 16-бетда.)

Ватанпарварлик ва жасоратга ундовчи мусиқа янгради. Ўғил-қиз-лар аста-секин сафда юриш машқларини тартиб билан бажара бошлашди. Юз-кўзларидан шахду шижоати кўриниб турган болалар мадҳиямизни қалбидан бир олам фахр билан баралла куйлашди. Ҳарбий либоси ўзига ярашиб турган ўқувчи-аскарлар тантанали ра-вишда қасамёд қилишди...

Сергели туманидаги 300-ихти-сослаштирилган давлат умумтаълим мактабида «Соғлом бола йили»га бағишлаб Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» таш-килоти томонидан тумандаги мак-таб ўқувчилари ўртасида ўтказил-ган «Шунқорлар» ҳарбий-ватанпар-варлик мусобақаси мезбон жамоа-нинг ана шундай намоийши билан бошланди. Тадбирда тумандаги таълим муассасаларидан саралаб олинган бта мактабдан 8та жамоа иштирок этди. Байрамона руҳда бе-затилган мактаб ҳовлисида ўтказил-ган тадбирни 300 нафарга яқин ўқувчи ватанпарварлик, она юртин мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижроси билан бошлашди. Мусобақа 3 босқичда ўтказилди. Дастлаб жа-моалар мактабда ўтилаётган жасо-рат дарсларида ўзлаштирган би-лимларини амалда намоён қилди-лар. Ушбу шартда ҳарбий ватан-парварлик йўналиши бўйича 300-ИДУМнинг «Аскар» жамоаси саф тайёргарлиги, эрталабки бадантар-бия машқларини бажариш, саф

СОҒЛОМ ВА ПОЛВОН БОЛАЛАР

«Жасорат» ватанпарварлик тўғрагида тарбияланмоқда

қўшиғини ижро этиш бўйича «Энг яхши жамоа» деб топилди. Эпчил, чаққон, тезкор болалар иккинчи шартда спорт турлари бўйича киз-гин бахсларга киришдилар. Унда иштирокчилар 60 метрга югуриш, турникка тортилиш, узунликка сак-раш, арқон тортиш, армрестлинг бўйича жисмоний тайёргарликлар-ни синовдан ўтказишди. Бу шартда мезбон мактабнинг «Сержант» жа-моаси аъзолари «Энг соғлом ва полвон болалар» деб топилди. Сўнгги шарт — гўзал куй-қўшиқлар ижроси, нафис гимнастрада ракс-ларини маҳорат билан ижро этиш

бўйича эса 2-умумтаълим мактаби-нинг «Лочин» жамоасига тенг кела-дигани топилмади.

— Президентимиз Ислон Кари-мовнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республика-сида ёшларга оид давлат сиёсати-ни амалга оширишга қаратилган

машқларини катта қизиқиш билан ўзлаштирмоқда. Сафда тўғри юриш орқали болалар тартиб-интизомга ўргатилади, вазминлик ва масъу-лият ҳисси шакллантирилади. Энг муҳими, уларда жамоа билан иш-лаш кўникмаси ривожланади. Улар ёшлиқдан ўзларини Ватан ҳимоя-сига шай мард ва жасур аскарлар-дай сезади. Мунтазам олиб бори-лаётган машғулотлар туфайли бо-лалар соғлом, руҳан тетик улғай-моқда.

— Бугунги мусобақадан кўзлан-ган мақсад жамоалар орасидан ғолиб ёки мағлубларни аниқлаш эмас, балки ўқувчиларни соғлом турмуш тарзига жалб қилишдан иборат, — дейди 300-ихтисослаш-тирилган давлат умумтаълим мак-табида фаолият юритаётган «Жа-сорат» ватанпарварлик тўғраги раҳбари Эркин Талбобоев.

Тадбирни кузатиб турган ота-оналар юз-кўзидан фарзандлари ватанпарварлик тўғрақларида жис-монан соғлом, маънан етук, эл-юрт корига ярайдиган содиқ ўғлон бўлиб улғайганидан мамнун экан-лигини англаш қийин эмас эди. Му-собақа сўнггида энг фаол ва илгор жамоалар ташкилотчиларнинг дип-лом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Одина КУЛМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

**Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонасида
"Infolib-2014" учинчи
Миллий ахборот-
кутубхона ҳафталиги
қизгин давом
этмоқда.**

Соғлом, мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол, интеллектуал етук авлодни тарбиялашни асосий мақсад қилган мамлакатимизда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, истеъодларини намойён этишига кенг имконият яратилган. Бу борада йирик Ахборот-ресурс марказларининг алоҳида ўрни бор.

Жумладан, жохон стандартларига мос Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида етти миллионга яқин китоб сақланмоқда. Кутубхонанинг автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими орқали 600 мингта библиографик ёзувлар ва 200

мингта тўлиқ матнли электрон ресурсларни ўз ичига олган маълумотлар базаси, шунингдек, меёрий-хуқуқий ҳужжатларни ўзида қамраган Gost.natlib.uz ахборот тизими ва MyRuLiB дастури орқали 223 минг электрон ресурслардан фойдаланиб, абонентлар тезкор маълумотларни излаб топиш имконига эга бўлишмоқда.

Ҳафталикнинг иккинчи кунини олимлар билан суҳбатлар, талаба-ёшлар билан баҳс-мунозара ва виктори-

учун янги имкониятлар семинари барчада катта қизиқиш уйғотди.

— Шаҳарнинг ўтмишини билмасдан, бугунини қуриб бўлмайти, дейишади. Археология қадимги моддий бойликларни излаб топиш, сақлаш, улар устида илмий изланишларни олиб бориш орқали дунё тарихини ўрганишга, тараққиётимиз негизини билишга, қадимги дунё маданияти, маънавиятини, турмуш тарзини англашга ёрдам беради, — дейди Ўзбекистон Фанлар



ҲАФТАЛИКНИНГ ҲИКМАТИ

налар, ўқув-семинарлар, китоблар тақдимоти, журнал таҳририятлари билан ижодий учрашув ва янги китоб кўргазмалари бўлиб ўтди. Айниқса, тарихий мавзудаги "Археология бугун: ёшлар

академияси кутубхонаси директори Зухра Бердиева. — Юртимизда археология соҳасида олиб борилаётган ишларни кўрсатиш, тарғиб қилиш, ёшларни соҳага қизиқтириш ва Ватанимиз ўтмиши билан таништириш она заминга муҳаббат уйғотади.

Анжуман доирасида кинорежиссёр Хилол Насимовнинг "Гумроҳлар" бадиий фильми намойиши уюштирилиб, унда кино ижодкорлари, профессор-ўқитувчилар ва ёш томошабинлар иштирок этди.

Тадбирда бир қатор нашриётлар томонидан турли китоб кўргазмалари ҳам ташкиллаштирилдики, бу ёшларни китоб муталаасига ундади.

Бу галги "Infolib-2014" учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида хорижий тиллар кунини ҳам бўлиб ўтди. "Жохон" ўқув залида "АКТ ёрдамида немис тилини ўрганиш" тре-

нинг, "TOEFL" тестини муваффақиятли топшириш бўйича маслаҳатлар берилиб, "Эссе ёзиш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантириш" бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

"Infolib-2014" учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги сўнггида кўғирчоқ театрларининг бадиий чиқишлари намойиш этилди.

**Олимжон ЖУМАОБОВ,
"Ma'rifat" муҳбири**



СПОРТГА БЎЛГАН МУҲАББАТ

фарзандларимизда болалигиданоқ уйғониши лозим

(Давоми. Боши 15-бетда.)

— Фарзандларимизнинг спортга бўлган қизиқишини, меҳрини айнан болалигиданоқ уйғотиш муҳимлиги ҳеч биримизга сир эмас, — деди 31-БЎСМ директори ўринбосари Висола Авилон.

ва. — Аммо бу ўз-ўзича юз бермайди. Бунинг учун оила даврасида, маҳалла-қуй, мактабда спорт ва жисмоний тарбиянинг бугунги давр учун нечоғлик аҳамиятли эканини болаларимизга ўқитишимиз зарур. Айниқса, бу борада болалар ва ўсмирлар спорт мак-

табларининг фаолияти тўғри йўлга қўйилиши ҳал қилувчи ўрин тутаяди, деб ўйлайман. Бизнинг БЎСМ ташкил этилганига энди 1 йил тўлди, бироқ шу қисқа вақт ичида қатор уюштурувчи эришмишга улғурдик. Хусусан, велоспортчи Ольга Жантуганованинг трек ва шоссе йўналишларида мамлакат чемпиони, Улуғбек Саидов, Эрнест Бойжигитов, Темур Шукуров, енгил атлетикачимиз Ольга Рапапорт сингари ёшларимизнинг республика мусобақаларида голиб ва совриндор бўлгани фикримиз исботи.

Қисқаси, 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиданоқ кундан-кунга шароитлар такомилла-

шиб, бу ерга спорт билан шуғулланиш истагиданоқ келаётган болалар сафи кенгаймоқда. Ота-оналар ҳам бола тарбиясида спорт жиддий ўрин эгаллашини яхши билишади. Улар фарзандларининг бўш вақти мазмунли ва мароқли ташкил этилаётганидан, энг муҳими, саломатлиги мустаҳкамланиб, баркамол йигит-қизлар бўлиб улғаяётганидан беҳад мамнун.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири**

Суратларда 31-БЎСМ фаолиятдан лавҳалар акс этган.

**Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.**



Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

**O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.**

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1124. Tiraj 38927.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6446



**"Ma'rifat" dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.**

**Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.**

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 22.25 Topshirildi — 22.55

1 2 4 5